

Мамаюнус Пардаев, Олим Пардаев

КАМБАҒАЛЛИКНИ БАҲОЛАШ ВА УНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Мамаюнус Пардаев, Олим Пардаев

**КАМБАҒАЛЛИКНИ БАҲОЛАШ
ВА УНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Handwritten signature or initials, possibly reading 'S. B. 3'.

Самарқанд – 2020

Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Илмий-услубий тавсия. Самарқанд: СамИСИ. – 2020. – 68 бет.

Тақризчилар:

М.М.Мухаммедов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.,

О.Муртазаев – Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали директори, и.ф.д., профессор

У.Х.Худайбердиев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, и.ф.н.

Илмий-услубий тавсияда камбағаллик тушунчаси, унинг мазмуни, даражаси ва камайтириш йўллари илмий-назарий, услубий ва амалий жиҳатдан қараб чиқилган. Мамлакатимизда камбағаллик даражасини баҳолашда қандай кўрсаткичларга таяниши ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган тавсиялар ва тегишли чора-тадбирларга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Шунингдек, унда камбағалликни камайтиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва йўналишлари ҳам қараб чиқилган. Уни камайтириш учун бир қанча тавсиялар айтилган.

Олий ўқув юртлари талабалари, магистрлар ва профессор-ўқитувчиларга мўлжалланган. Бундан катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил тадқиқотчилар, малака ошириш курслари тингловчилари ва камбағалликни камайтириш билан шуғулланувчи мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Илмий-услубий тавсия Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий-услубий кенгашининг 27 март 2020 йилдаги №8-сон йиғилишида муҳокама қилинган ва нашр учун тавсия этилган.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2020.

© М.Қ.Пардаев, О.М.Пардаев, 2020.

КИРИШ. Мавзунинг долзарблиги

Бугунги кунда камбағалликка қарши кураш мамлакатимизда ўта долзарб масалалар сирасига киради. Чунки жамиятимизда Президентимиз таъбири билан айтганда, аҳоли фақат эртанги кунини умид қилиб эмас, балки бугун давлатдан рози бўлиб, бахтли яшаши кераклигини уқтимоқда. Агар инсон камбағал бўлса, касал бўлиб қолган шаронгта докторга учрашиш учун шаҳарга қатнашига, дори-дармонларни харид қилишга, шифокор кўригидан ўтишга, лаборатория таҳлиллари ва башқа ташхис кўйиш учун қилинган таҳлиллар учун тўлов қилишга имконияти бўладими, албатта бўлмайди. Бу нима қилади. Чорасини топиш жуда қийин.

Агар одам камбағал оилага мансуб бўлса, фарзанди мутахассислик бўйича таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин, чунки, бундай ўқишларнинг аксарият қисми пуллик бўлиб, контракт асосида амалга оширилади. Ушбу ҳолат унинг келажакдаги даромадлари даражасига ҳам салбий таъсир этади. Чунки, малакали меҳнат билан малакасиз меҳнатнинг ўртасидаги “топиш-тутиниши” турли даражада бўлади. Бундай аҳоли қатлами нафақат аҳолининг ўзига, балки жамиятга ҳам зарар.

Шунинг учун жамиятимизда камбағаллар қолмаслиги керак. Буни сунъий равишда йўқ қилиш эмас, балки объектив тарзда, уларни камбағаллик чегарасидан чиқартириб, барқарор ҳаёт кечирадиган аҳоли қатламига ўтказишни тақозо қилади. Маълумки, Ўзбекистон ҳукумати узоқ йиллар мамлакатдаги қашшоқликни тан олишни истамади. Аммо 1990 йилларда мамлакат аҳолисининг 70 фоизи камбағал аҳволда эди. Бироқ, ўзбекистонлик журналистлар "камбағал", "қашшоқ" сўзларини қўлламасдан "кам таъминланган" деган таърифни ишлатиб келди. Лекин мамлакатимизда камбағаллик барҳам топган эмас эди.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти камбағалликни тугатиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан қатор Фармон ва қарорларни қабул қилди ҳамда уларни амалга ошириш бўйича бир қандай давлат ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш борасида тегишли курсатмалар бериб келмоқда. Зеро ҳаётда муносиб яшай олмаган киши ҳеч маҳал давлатдан ҳам бугунги кунидан ҳам рози бўлмайди.

Буларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодий тн ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид Давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-сонли фармони ва ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда самарали макроиқтисодий сиёсатни юритиш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида мақбул давлат сиёсатини амалга ошириш тизими ишлаб чиқилди ва у муваффақият билан амалга оширилмоқда. Аммо масаланинг айрим назарий, услубий ва амалий муаммолари борки, уни тадқиқ қилиб тегишли ҳулосалар ва илмий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо қилади. Масаланинг бу жиҳати мазкур ишнинг долзарблигини белгилайди.

1. Камбағаллик тушунчаси таърифи ва уни тадқиқ қилишнинг назарий масалалари

Ўзбек тилида камбағаллик билан боғлиқ жуда кўплаб сўзлар ишлатилади. Халқ орасида ҳам ушбу тушунча билан боғлиқ сўлар жуда кўп ишлатилиб келинар эди ва ҳамон ишлатилиб келинмоқда. Ушбу сўздан жуда кўплаб бадий асарларда ҳам фойдаланиб келинган. Жумладан, 5 томлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “Камбағал”, “Камбағаллашмоқ”, “Камбағалпарвар”, “Камбағаллик”, “Камбағалчилик” каби ибораларга изоҳ берилган.

“Камбағал” сўзи форс-араб тилларидан олинган бўлиб, “қашшок, йўқсил” маъноларини англатади. Унга “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да учта изоҳ берилган. “1 Муҳтожликда яшовчи, тирикчилик учун керакли нарсаси етарли бўлмаган; қашшок, фақир, бечора. 2 Етарли бўлмаган; кам, етишмайдиган. 3 кўчма маънода. Мушкул ёки аянчли аҳволга тушуб қолган киши; шўрлик, боёқиш, бечора”¹. “Камбағал оила”, “Камбағал дехқон”

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.И. Ё-М. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2006. – 306 бет.

сўзлари Ойбек, Мирзоколон Исмоилий, Комил Яшин, Парда Турсун, Абдулло Қахҳор каби адибларнинг асарларида қўлланилиб келинган. Жумладан, Мирзоколон Исмоилийнинг *“Фарғона тонг отгунча”* романида *“Ўқувчиларнинг қарийб ҳаммаси камбағалларнинг болалари бўлгани учун, Ғуломжон оналар билан маслаҳатлашиб, уларга ҳар куни иссиқ овқат қилдириб бериб турди”*². Камбағал сўзининг ишлатилиши бўйича худди шундай кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Луғатда келтирилган яна бир атама: **“Камбағаллашмоқ”** сўзи бўлиб, бунга *“Камбағал бўла бормоқ, камбағал бўлиб қолмоқ”*³, деган изоҳ берилган. Навбатдаги ибора **“Камбағаллик”** бўлиб, бунга қуйидагича изоҳ берилган: *“Ҳаётий, тирикчиликка зарур нарсаларнинг етишмаслик ҳолати”*⁴, дейилган. Бунга мисол қилиб Комил Яшиннинг *“Ҳамза”* романида келтирилган *“Бир куни она бечора йиғлаб, худога нола қилди: “Камбағаллик курсин, камбағаллик. Э худо қандай гуноҳ қилдикки, бизни бунчалар қақшатасан?”*⁵. Ҳаётий тирикчиликнинг кўлами кенг. Бунга зарур озиқ-овқатлар билан таъминланишдан ташқари кийим кечаклар ҳам, турли хизматлардан фойданиш ҳам, ўқиш, тиббий муассасаларда даволаниш кабилар ҳам киради. Шуларга тегишли маблағ ёки шунга мос неъматлар етарли бўлмаса, бундай кишилар камбағаллик тоифасидаги одамларга киради.

Камбағаллик билан боғлиқ яна бир атама **“Камбағалчилик”**, деб юритилади. Ўрганилаётган луғатда ушбу сўзнинг ҳам изоҳи келтирилган. Бунга *“Камбағал шароит; камбағаллик, қашшоқлик”*, деган изоҳ берилган. Бунга мисол тариқасида Абдулло Қахҳорнинг *“Қўшчинор чироқлари”* номли романида қуйидаги гаплар келтирилган *“- Ҳозир ҳам камбағалмиз, – деди Саттарқул давом этиб, – лекин бу камбағалчилик ёруғ дунёдан бўлган умидимизни эмас, ёруғ дунёдан бўлган умидимиз бу камбағалчиликни еб, кемириб ташлаётибди”*⁶. Кўриниб турибдики, ушбу атамаларнинг ўзаги ва мазмуни бир бирига жуда яқин. Ушбу сўзларнинг асл маъноси, инсоннинг нормал яшаши учун тегишли неъматларнинг етишмаслиги билан ифодаланади.

²Ўша жойда. – 306 бет.

³Ўша жойда. – 306 бет.

⁴Ўша жойда. – 306 бет.

⁵Ўша жойда. – 306 бет.

⁶Ўша жойда. – 306 бет.

Яна бир ибора “**Камбағалпарвар**”, бўлиб, бу – “камбағалларга ёрдам кўрсатувчи, шафқат қилувчи; камбағаллар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи”⁷ маънони англатиши қайд этилган. Бунга бир мисол тариқасида Парда Турсуннинг “Ўқитувчи” романидан бир сўз келтирган. Унда: “Бойлардан биттаси жуда камбағалпарвар ўтган экан, чакалақзорига дошқозон остириб, оч қолганларга хўрда, атала улашиб турар экан”⁸, дейилган. Кўриниб турибдики, ушбу бой камбағалларнинг ҳолидан хабардор бўлиб, уларга қайсидир маънода ёрдам бериб, ҳеч бўлмаса қорнини тўйғазиб келишган. Шу туфайли уни камбағалпарварлар қаторига қўшган.

Энди камбағаллик билан боғлиқ атамаларнинг мазмунини қараб чиксак. Аммо ушбу тушунчаларнинг таърифлари ишлаб чиқилмаган. Бироқ уни изоҳлашга турли ёндошувлар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази Бош илмий ходими Бахтишод Ҳамидов таъкидлашича: “Баъзилар камбағаллик деганда инсоннинг бирламчи эҳтиёжларини (озик-овқат, кийим-кечак, уй-жой, таълим ва соғлиқни-сақлаш) қондиришга имкониятнинг мавжуд эмаслигини тушунса, бошқалар – танлов эркинлигининг етарлича эмаслиги ёки қунига 1,90 доллардан кам миқдорга қун кечиришни, учинчи томон эса – инсоннинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштирокига путур етказувчи ижтимоий, таълим ва соғлиқни-сақлаш соҳасидаги тўсиқларнинг доимий доирасини тушунишади. Умумий қараганда, камбағалликни баҳолаш бир нечта аниқ белгиланган кўникма ва усулларни талаб қилади”⁹, дейилган. Ушбу изоҳлар, маълум маънода камбағаллик тушунчасининг таърифини ишлаб чиқишга асос бўлиши мукин. Зеро, камбағалликнинг негизида муносиб ҳаёт кечириш учун неъматларнинг етишмаслигига бориб тақалади. Буларни инобатга олиб камбағалликка қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Камбағаллик деганда, инсонларнинг топган даромадлари озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, таълим ва соғлиқни сақлаш

⁷Уша жойда. – 306 бет.

⁸Уша жойда. – 306 бет.

⁹Бахтишод Ҳамидов. Ўзбекистонда камбағаллик даражаси. Камбағалликни қамайтириш учун нима қилиш керак? 09.06.2020 15:13782<https://review.uz/post/ozbekistonda-kambagallik-darajasi-kambagallikni-kamaytirish-uchun-nima-qilish-kerak>

кабибирламчи эҳтиёжларини қондиришга етмаслиги оқибатида халқаро ва ички меъёрлардан кам имкониятга эга бўлиб қашшоқ яшашга мажбур бўлиб келинаётган кишиларнинг чекланган ҳолати тушунилади. Мавжуд таъриф илк бор ишлаб чиқилганлиги туфайли, келгусида маълум маънода такомиллашиши мумкин. Ҳозирги пайтда Жаҳон Банкининг тавсиясига биноан камбағаллик чегараси халқаро миқёсда кунига 1,90 доллардан кам бўлмаслиги лозим. Ушбу меъёрни Ўзбекистонга ҳам жорий қилинадиган бўлса, аҳолининг ўртачи бир кунлақ даромади 1,9 доллардан кам бўлмаслиги керак. Бу ҳақда батафсил маълумотлар қуйида келтирилган.

Ушбу таърифни назарий жиҳатдан қуйидагича изоҳлаш мумкин. Биринчидан, камбағаллик деганда, инсонларнинг топган даромадлари кўзда тутилмоқда. Камбағаллик тушунчаси фақат ишсиз кишиларни кўзда тутмайди, балки топган даромади ҳам маълум талабларга жавоб берадиган, тегишли миқдордан ошадиган бўлиши лозим. Иккинчидан, инсонлар учун энг зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, таълим ва соғлиқни сақлаш кабибирламчи эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган бўлиши ва шуларга етарли бўлиши кўзда тутилган. Инсонларнинг муносиб яшаши учун фақат озиқ-овқат эмас, балки бошқа неъматлар (кийим-кечак, уй-жой, таълим ва соғлиқни сақлаш) ҳам зарур бўлар экан. Учинчидан, камбағалликнинг маълум чегараси (халқаро ва ички миқёсда) бўлиши керак. Тўртинчидан, ушбу халқаро ва ички меъёрлар чегараси инсонларнинг нормал яшашини таъминлаш учун тегишли имкониятни яратиши лозим. Шундагина бундай кишилар қашшоқ яшашга мажбур бўлиб қолмайди.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридагилар том маънода, камбағалликка берилган таърифнинг назарий асосини ташкил қилади.

2. Мамлакатимизда нима учун камбағаллар кўпайди?

Мустақиллик йилларининг бошланишида мамлакатимизда аҳолининг бир қисми иш билан банд бўлсада, камбағаллик тоифасидан чиқа олмади. Чунки, Бирлашган Миллатлар ташкилотининг белгиланган меъёрига кўра ҳар бир одам,

камбағаллик тоифасига кириб қолмаслиги учун кунига ўртача 1,90 АҚШ долларидан кам даромадга эга бўлмаслиги керак. Агар топган даромади, ўртача одам бошига шу миқдордан кам бўлса, бу оилада яшайдиган инсонлар қашшоқ ҳисобланади. Мамлакат аҳолисининг аксарият қисмининг топган даромади ўртача шу миқдорга етмагач, улар қулай шароитни хориждан ахтарадиган бўлди. Натижада жуда кўп меҳнатга қобилиятли малакали ва малакасиз аҳоли оммавий тарзда хорижга меҳнат қилишга расмий ва норасмий йўллар билан чиқиб кета бошлади.

Хуллас, мамлакатимиз аҳолисининг камбағаллашиб боришига сабаблар нима бўлди. Албатта бунинг бир қанча сабабларибор.

Биринчидан, меҳнат билан банд бўлган ходимларнинг меҳнат ҳақи, яшаши учун етарли бўлмади. Чунки, нарх билан ойлик маош ўртасидаги номувофиқлик катта эди. Амалдаги нархда товар харид қилиб, амалдаги ойлик маош билан яшаш бироз қийинчилик туғдирар эди.

Иккинчидан, мустақилликнинг дастлабки йилларидан кўплаб завод-фабрикалар ҳам объектив сабабларга мос ҳолда тўхтади. Чунки, мамлакатимиздаги заводларнинг аксарият қисми бутловчи материаллар ишлаб чиқарар экан. Уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулоти, ҳар бир республика мустақил бўлгач, ҳеч кимга керак бўлмасдан қолди. Мос равишда биздаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи завод-фабрикаларимизнинг ҳам бутловчи қисмини республикамиз ҳудудидан бошқа жойларда ишлаб чиқарилганлиги туфайли, иқтисодий муносабатларда узулиш рўй берди ва нихоят, булар ҳам фаолиятини тўхтатди.

Учинчидан, пахта ва ғалланинг давлат планлари сабабли Ўзбекистонда деҳқончилик билан тирикчилик ўтказиш ҳам қийин бўлиб қолди. Мамлакатимизнинг асосий бойлиги бўлган пахтани етиштирадиган деҳқоннинг қозони оқармади. Аҳолининг энг камбағал қатлами шулар бўлиб қолаверди. Чунки улар йил бўйи меҳнат қилиб, йил охирида қарз бўлиб чиқадиган ҳоллари жуда кўп эди.

Тўртинчидан, ақлли, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган инсонлар, хусусан, олий маълумотли мутахассислар, айрим ноёб йўналишдаги олимлар, инженерлар, шифокор ва бошқа касблар эгаларининг бир қисми, мамлакатимизни тарк этиб, билим ва

тажрибаси кадрланган мамлакатларни танладилар ва у ерларга турли йўллар билан жойлашиб олдилар.

Бешинчидан, янгидан етилиб келган меҳнат ресурсларини ва ишсиз аҳолини тўлиқ иш билан таъминлаш имконияти етарли бўлмади. Муносиб ойлик маош билан янги иш ўринларини яратиш имконияти ҳам талаб даражасида бўлмади. Йилдан-йилга ишсизлар сони кўпайиб борганлиги ҳам, уларнинг бир қисмини хорижий давлатларга чиқиб кетишига ҳам сабаб бўлди.

Олтинчидан, хорижга меҳнат қилишга чиқиб кетганларнинг аксарият қисми малакасиз меҳнат соҳиблари бўлиб, хорижда ҳам энг арзон иш кучини ташкил қилди. Уларнинг аксарият қисми жуда кам иш ҳақига меҳнат қилишига тўғри келди ва мос равишда хорижда топган маблағи билан ҳам рўзгорини ўнглаши қийин бўлди.

Шу тариқа мамлакатимизда камбағаллик йилдан-йилга кўпайиб борди. Уларнинг сонига кўп ҳолларда ишсизлар киритилади. Аммо ишлаб юрганларнинг ҳам кўпи камбағаллик чегарасидан чиқа олмади.

3. Камбағаллик даражасининг ўлчаниши

Камбағаллик чегарасини белгилашда БМТ инсон эҳтиёжлари учун зарур бўлган асосий товар ва хизматларни харид қилиш учун етарли бўлган даромадлар миқдорини асос қилиб олади. Бундай товарларга озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турар-жой ҳақини тўлаш, сув билан таъминлаш, электр энергияси, мактаб таълими, тиббий хизмат кабиларни киритишни тавсия қилади. Шунга асосан камбағаллик даражасини глобал миқёсда ва ҳар бир мамлакатлар доирасида аниқланади. Чунки ҳар бир давлат ўзининг шароити ва имкониятларидан келиб чиқиб, камбағалликдан чиқиш масаласини ўзлари белгилаб олади. Бундан ташқари камбағаллик даражаси глобал доирада ҳам аниқланади. Бунга асосан ҳозирги шароитда Жаҳон Банки амалга ошириб келмоқда. Булардан келиб чиқиб, хулоса қилинадиган бўлса камбағаллик даражаси, умуман олганда, нисбий тушунча бўлиб, у муайян мамлакатдаги умумий фаровонлик даражасига боғлиқ бўлади.

Камбағаллик даражаси, олимлар ва мутахассисларнинг эътирофи этишича, иккитамутлақ ва нисбий каби турларга

бўлинади. Бунда турли мезонлардан фойдаланилади, бой мамлакатларда қашшоқлик чегараси, камбағал мамлакатларга қараганда юқорирак. Мутлақ камбағалликда кун кечирувчи одамлар биологик тирик қолишни таъминлайдиган минимал эҳтиёжларнигина қондиришлари мумкин. Нисбий камбағаллик бир давлатдаги даражага нисбатан иккинчи давлатда фарқ қилиши ёки вақтлар ўтиши билан камбағалликнинг даражаси ҳам ўсиб бориши (камайиб кетиши) тушунилади.

Камбағаллик даражасини ўлчаш бўйича бир қанча ёндошувлар мавжуд. Булардан бири Бахтишод Ҳамидов келтирган ёндошувдир. Бу кишинг фикрига кўра камбағаллик чегарасининг энг кўп ишлатиладиган таърифлари қуйидагилардир:

- озиқланишга асосланган камбағаллик даражаси;
- халқаро камбағаллик чегараси;
- нисбий камбағаллик чегараси;
- субъектив камбағаллик чегараси¹⁰.

Профессор Мурод МУҲАММЕДОВ “Камбағал аҳоли деганда икки тоифани назарда тутиш мумкин, биринчи тоифа камбағал аҳоли – бу ўз ҳаётини тузатишни истамайдиган, истасада, бунга ҳаракат қилишга дангасалик қиладиганлар. Иккинчи тоифаси эса маълум сабаблар туфайли шундай ҳолга келиб қолган, ишлашни истайдиган, аммо баъзи сабаблар билан бунга имкон тополмаган инсонлардир”¹¹, деб таъкидлайди.

Бизнинг фикримизча камбағаллик тоифасига кирадиган аҳолини тўрт гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси малакасиз ишсизлар, маълумоти етарли бўлмаган “қора меҳнат”дан бошқаларига ярамайдиган аҳоли. Иккинчи тоифа аҳолига тегишли малакаси бор, аммо ўзларига муносиб иш топа олмаётган аҳоли. Учинчи тоифага, иш билан банд, аммо олган ойлик маоши оиласини камбағаллик чегарасидан чиқиб кетишига етарли бўлмайдиган шахслар. Тўртинчиси, ишлаш имконияти йўқ (ногиронлиги бор, меҳнатга қобилиятсиз, боқувчиси йўқ болалар ва қариялар) аҳоли қатлами.

Маълумки, Жаҳон банки 1990 йилдан буён «Камбағаллик ва ялпи фаровонлик» маърузасини эълон қилиб келмоқда. Ушбу

¹⁰ Булар ҳақида Бахтишод Ҳамидовнинг Ўзбекистонда камбағаллик даражаси. Камбағалликни қамайтириш учун нима қилиш керак? (review.uz/oz/au109.06.2020 15:13780.) номли мақоласида батафсил ўқиш мумкин.

¹¹ 1,9 АҚШ долларидан кам маблагга кун кечираётганлар... // “Zarafshon” газетаси. 2020 йил 23 июнь. 68 сон. – 2-бет.

маърузада ҳар сафар қашшоқликнинг халқаро чегараси эълон қилинади. Ҳозирги кунда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 1,9 долларни ташкил қилади. Шунинг қайд этиш жоизки, камбағаллик даражаси Жаҳон Банкнинг ҳисоб китоби бўйича қашшоқ давлатларда ва ривожланган мамлакатларда турлича ўлчанади. Бундан ташқари вақт ўтиши билан бу чегара ҳам ўзгариб боради. Агар унинг қисқагина тарихига назар солсак, 1990 йилда камбағаллик даражаси кунига бир киши учун 1 долларга яқин қилиб белгиланган эди. 2005 йилга келиб, ушбу кўрсаткич қайта ҳисобланиб, 1,25 долларга етказилди. 2015 йилда ушбу глобал камбағаллик кўрсаткичини ҳар бир кишига бир кунда, юқорида таъкидланганидек, 1,9 доллар қилиб белгиланади. Жаҳон банкнинг «Камбағаллик ва ялпи фаровонлик» бўйича сўнги 2018 йилнинг октябрь ойидаги маърузасида ҳам шу рақам сақланиб қолган. Агар шу мезондан келиб чиқилган бўлса, мамлакатимизда оилалар сонига қараб даромадлар даражаси қуйидагича бўлади (1-жадвал).

1-жадвал

Камбағаллик даражасини Жаҳон Банкнинг минимал меъёри бўйича оилалар сонига мос ҳолда аниқлаш ҳисоб-китоби (АҚШ долларида ва миллий валютада)¹² (ўртача 1 доллар 10150 сўм қилиб белгиланди)

Т/р	Оилалар сон, киши	1 кунлик		1 ойлик		1 йиллик	
		Дол- ларда	Сўмда, минг сўм	Дол- ларда	Сўмда, минг сўм	Дол- ларда	Сўмда, минг сўм
1.	1 кишилик	1,9	19,3	57	578,6	684	6942,6
2.	2 кишилик	3,8	38,6	114	1157,1	1368	13885,2
3.	3 кишилик	5,7	57,9	171	1335,7	2052	20887,8
4.	4 кишилик	7,6	77,1	228	2314,2	2736	27973,4
5.	5 кишилик	9,5	96,4	285	2892,8	3420	34713,0
6.	6 кишилик	11,4	115,7	342	3471,3	4104	41655,6
7.	7 кишилик	13,3	135,03	399	4049,9	4788	48598,2
8.	8 кишилик	15,2	154,3	456	4628,4	5472	55540,8
9.	9 кишилик	17,1	173,6	513	5207,0	6156	62483,4
10.	10 кишилик	19,0	193,0	570	5786,0	6840	69426,0

Ушбу кўрсаткич камбағаллик даражасининг энг паст чегараси ҳисобланади. Бундан паст бўлса, бундай аҳолининг

¹² Жаҳон банкнинг ишлаб чиққан меъёрлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби. Доллар курсини 1 долларни ўртача 10150 сўм қилиб олганда.

аҳволи қашшоқ аҳоли тоифасига киради. Агар ушбу мезондан келиб чикиладиган бўлса, бир кишига бир кунда ўртача 19,3 минг сўм (1,9 доллар) маблағ керак бўлар экан, 5 кишига 96,4 минг сўм (9,5 доллар) ва нихоят 8 кишилик оилага 154,3 минг сўм (15,2 доллар) зарур бўлар экан. Агар оилада 10 киши яшаса, 193,0 минг сўм маблағни талаб қилади. Ушбу кўрсаткичнинг бир ойлик миқдори мос равишда 1 кишига 578,6 минг сўм (57 доллар), 5 кишига 2892,8 минг сўм (285 доллар) ва 8 кишига 4628,4 минг сўм (456 доллар)ни, 10 кишига 5786,0 минг сўмни (570 доллар) ташкил қилади. Ушбу кўрсаткични бир йилга ҳисоблайдиган бўлсак, мос равишда 1 кишига 6942,6 минг сўм (684 доллар), 5 кишига 34713,0 минг сўм (3420 доллар) ва 8 кишига 55540,8 минг сўм (5472 доллар)ни, 10 кишига 69426,0 минг сўмни (6840 доллар) ташкил қилади. Ушбу кўрсаткичлар камбағалликнинг чегараси бўлиб, бундан кам бўлса, бундай оилалар камбағаллик даражасидан паст ҳисобланади. Жаҳон банкининг ҳисоб-китоблари бўйича камбағалликнинг ўрта чегараси 3,2 доллар, ўрта ва юқори чегараси 5,5 ва 21,7 доллар даромадларга эга давлатлар ҳам белгиланган. Бундай табақаланиш шу давлатлар аҳолисининг фаровонлик даражасига боғлиқ. Ҳозирча Ўзбекистон қайси меъёрни асос қилиб олиши ҳақида тегишли меъёрий ҳужжат қабул қилиб, унинг ҳақиқий даражаси белгиланган эмас.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, дунёда “736 миллион киши (аҳолининг 10 фоизи) ўта қашшоқлик шароитида (кунига 1,9 доллардан кам киримга эга), дунё аҳолисининг деярли ярми – 3,4 млрд. киши – кунига 5,5 доллардан кам тушумга эга. Қашшоқлик даражаси энг юқори китъа Африка, сайёрадаги энг қашшоқ мамлакатлар – Конго демократик республикаси (ўта қашшоқлик даражаси – 77,1 фоиз) ва Мадагаскар (77,6 фоиз)”га¹³ тўғри келади.

4. Камбағалликни қисқартириш бўйича қандай чоралар кўрилмоқда?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодийни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид Давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-

¹³Юрий Кочетков / EPA / Scanpix / LETA.

тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975 сонли фармонида, “худудларда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, хусусан, камбағалликни қисқартириш вазифалари кўп жihatдан иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун фундаментал шароитларни яратиб бериш ҳисобига янги ва барқарор иш ўринларини ташкил этиш билан бевосита боғлиқдир”¹⁴, деб таъкидланди. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётни таркибий жihatдан ислоҳ қилиш ва ривожланишига алоқадор вазирлик ва идоралар фаолияти уйғунлигини таъминлашни, ҳар бир мутасаддиларнинг масъулиятини ошириш, мавжуд муаммо ва тўсиқларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишга асосланган замонавий ва инновацион тамойилларга асосланган тизимни жорий этишни талаб этади. Ушбу заруратдан келиб чиқиб, юқоридаги фармонда бир қанча устувор вазифалар ҳам белгилаб берилган.

Ушбу устувор вазифалардан бири, “камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича яхлит тизим ва мувофиқлаштирувчи давлат органи, меъёрий-ҳуқуқий база, мезонлар ва баҳолаш услубиётини”¹⁵ яратишга қаратилди. Чунки мамлакатимизда камбағалликнинг мавжудлиги ҳақиқат, аммо уни қисқартириш бўйича тегишли ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий механизмларнинг ҳамон йўқлиги мазкур масалага алоҳида аҳамият беришни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2020 йил 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағаллик-ни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда камбағаллик даражасига оид статистик маълумотлар келтирилди. “Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 12-15 фоиз ёки 4-5 миллион аҳолимиз камбағал. Бу уларнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмаяпти, дегани. Ёки бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади. Хўш бундай оилани

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид Давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975 сонли фармони.

¹⁵Уша жойда.

ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётий эҳтиёжлари нима бўлаяпти, деган савол ҳар куни кийнайди», деб таъкидлади. Юқорида кўрганимиздек, мамлакатимизда Жаҳон банкининг камбағаллик даражаси бўйича минимал нормадан келиб чиқадиган бўлсак, бир киши бир кунда 19,3 минг сўм ўрта ҳисобда топиши лозим экан. Агар оилади 3 киши бўлса, уларнинг бир кунлик минимал даромади 57,9 минг сўмни ташкил қилиши лозим.

Кўриниб турибдики, мамлакатимиз аҳолисининг ўрта ҳисобда 12-15 фоиз аҳолиси камбағал яшашади. Буларнинг даромади таъкидланганидек, бир кунда 19,3 минг сўмдан кам. Бунда шуни инобатга олиш жоизки, оилада 5 киши истиқомат қилса, уларнинг иккитаси ишлайдиган бўлса, ўрта ҳисобда шу оилага 96,4 минг сўм керак бўлади. Агар икки киши ошласа, камида 50,0 минг сўмдан топишига тўғри келади. Бундан кам бўладиган бўлса, оилалар қашшоқ оилалар сафига кириб қолади.

Мамлакатимиз миқёсида таҳлил қиладиган бўлсак, камбағалликнинг юқори даражаси Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келмоқда. Бу ҳақда бир канча расмий ҳужжатларда, Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган видео селекторларда ҳам таъкидланмоқда. Ўзбекистондаги камбағаллик ҳақида маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, “ҳозирги кунда камбағал оиланинг шахсий компьютер билан таъминланганлиги Республикадаги ўртача оиладан 12 баробарга, шахсий машина билан – 11 баробарга, кондиционер билан – 8 баробарга, чангютгич билан – 4 баробарга, кир ювиш машиналари билан – 4 баробарга, музлатгич билан – 2 баробарга, телевизор ва уяли алоқа воситалари билан – 1,5 баробарга камлиги кузатилади”¹⁶. Бугунги глобаллашган, рақамли иқтисодиёт ҳаётимизга жадаллик билан кириб келаётган даврда бундай ҳолатга йўл қўйиб бўлмайди. Аммо афсус, буларнинг борлиги ҳақиқат. Булар кимлар, қаерда ва қандай ҳаёт кечиришмоқда. Ушбу ҳолат, албатта ўз-ўзидан бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз раҳбариятининг олдида шу камбағалликка барҳам бериш, имкон қадар уларни ушбу тоифадан

¹⁶ review.uz/oz/au109.06.2020 15:13780

чиқариш чораларини кўриши лозим бўлмоқда. Айнан шу мақсадни амалга ошириш учун Ўзбекистон Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги сифатида қайта ташкил этилди. Ушбу вазирликка бир қанча янги вазифалар юкланди.

Булар жумласига макроиқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида камбағалликни қисқартириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият бериш лозимлиги қайд этилган. Шу билан бирга ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини барқарор таъминлаш учун ҳар бир ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш масаласи ҳам устуворликни талаб қилмоқда. Саноатнинг илғор соҳаларини ривожлантириш ва мамлакатимиз миқёсида ягон индустриал сиёсатни амалга ошириш, бунда давлат улуши бор корхоналарни ислоҳот қилиш, давлатнинг инвестицион сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, инфратузилмани ривожлантириш шаҳарлаштириш сиёсатини амалга ошириш, бизнес-муҳит вамамлакатнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш масалалари ҳам устувор вазифа сифатида ушбу вазирлик зиммасига юклатилган. Шунингдек, жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш¹⁷ масаласи ҳам шу вазирлик зиммасига юклатилган. Агар ушбу тадбирларга диққат билан эътибор қилинса, ушбу вазифаларнинг барчасидан кўзланган пировард мақсади, аҳолини камбағалликдан чиқариш, фаровонлигини, яшаш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган.

5. Томорқадан самарали фойдаланиш камбағалликни қисқартириб, аҳоли фаровонлигини оширади

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришнинг муҳим йўналишларидан бири томорқадан самарали фойдаланиш эвазига амалга оширилиб келинмоқда. Бунини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти бир қанча фармон ва қарорларини ҳам эълон қилди. Президентнинг 2017 йил 9 октябрда “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан

¹⁷ «Газета.uz» 27 март 2020, 20:00. 2 647.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5199 сонли Фармони, 2018 йил 26 апрелда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3680 сонли қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларга асосан “Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ҳукумат қарори ҳам қабул қилинди. Ушбу қарор билан “Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низом” тасдиқланди.

Алоҳида қайд этиш жоизки, 2018 йил 26 апрель куни қабул қилинган «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузурида “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғарма”си ташкил этилди. Жамғарма маблағлари фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига 3 йил муддатга, шу жумладан, 1 йилгача имтиёзли давр билан 2 фоизлик банк маржасини ҳисобга олган ҳолда йиллик 7 фоиз ставкада кредитлар бериш учун «Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига ресурслар жойлаштириш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тайёрлаш, таъминлаш, савдо ташкилотлари ҳамда лизинг компанияларига моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги техникалари ва транспортларини сотиб олиш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг иссиқхоналарини куриш учун материаллар ва бутловчи қисмлар харид қилишга кредитлар бериш каби мақсадларда сарфланади¹⁸.

Эндиликда ушбу Низомга асосан бир қанча тадбирлар жорий қилинди. Булар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, ҳар йили декабрь-январь ойларида туман (шаҳар) мутасаддилари, сектор аъзолари хонадонма-хонадон юриб, аҳолининг йил давомида томорқа ер участкасида маҳсулот

¹⁸ Кун.уз. 27 апрель 2018, 10:04

етиштириш, иссиқхона барпо этиш, чорва моллари ва парранда боқишга бўлган хоҳиши ўрганиб чиқилади. Камчиликлар ўз вақтида аниқланиб, томорқадан самарали фойдаланиш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилади. Лозим ҳолларда турли йўналишларда (иссиқхона куриш, ер ажратиш, кредит бериш каби) кўмаклашади.

Иккинчидан, ўрганиш натижалари бўйича ҳар йили 15 февралгача томорқа ер участкалари кесимида етиштириладиган экин турлари, иссиқхоналар барпо этиш, мевали ва манзарали дарахтлар экиш ҳамда чорва моллари, паррандалар сотиб олиш прогноз кўрсаткичлари тўғрисида туман ҳокими қарори қабул қилинади ва бу қарор деҳқон хўжаликлари бошликлари ва томорқа ер эгаларига етказиб берилади. Шу тариқа навбатдаги экин мавсумига қадар ҳар бир томорқа эгасининг режаси аниқ белгиланган бўлади.

Учинчидан, туман ҳокими қарори асосида махсус ишчи гуруҳ томонидан прогноз кўрсаткичларнинг бажарилиши бутун мавсум давомида мониторинг қилиб борилади. Бунда нафақат умумий масалалар, балки аниқ вазифаларнинг бажарилиши ўрганилади. Бунда чорвачилик ва асаларичилик соҳасида, боғдорчилик ва деҳқончилик соҳасида, сабзавотчилик ва полиз экинлари каби йўналишлар бўйича ҳам аниқ манзилли текширувлар амалга оширилади. Ҳар бир қилинган ишнинг камбағалликка таъсири батафсил ўрганилади.

Тўртинчидан, мониторинг натижасида юқори ҳосил олган ҳамда томорқани ободонлаштирган, чорва моллари ва паррандаларнинг бош сонини сақлаган ва кўпайтиришга эришган томорқа ер эгаларига ер солиғи ставкасини пасайтирувчи коэффицентини қўллаш бўйича ишчи гуруҳнинг махсус таклифи киритилади. Ушбу тадбир томорқа эгаларини анча рағбатлантиради. Бундай мативация камбағалликни қисқартиришга қаратилган тадбирларнинг таъсирчанлигини ҳам оширади.

Бешинчидан, экин турлари ҳамда мевали ва манзарали дарахтлар экилмаганлиги, чорва моллари сотиб олинмаганлиги, иссиқхона барпо этилмаганлиги аниқланса, томорқа ер эгасига жорий йил учун ҳисобланган ер солиғининг уч баробари миқдорини қўллашни сўраб туман давлат солиқ инспекциясига тақдимнома киритилиш тартиб ўрнатилган. Шунингдек, Деҳқон хўжалигига нисбатан эса ер участкасига бўлган ҳуқуқни қонун

ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиш бўйича чоралар кўрилади¹⁹. Бу ҳам томорқадан самарали фойдаланиш учун рағбат бўлиб ҳисобланади. Энди томорқа эгалари ерни ўз ҳолига ташлаб қўймайди, балки ундан самарали фойдаланиш учун ҳаракат қилади. Бу ҳам камбағалликни қисқартириш учун муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Томорқага эътибор қилинса у боқади, иш билан таъминлайди, камбағалликни қисқартириб, фаровонлигини оширади. Аммо унга бефарқ, боқиманда, масъулиятсиз ёндошилса, бундайлар ўзининг ҳам, томорқасининг ҳам, жамиятнинг ҳам душмани сифатида баҳоланади. Ушбу иборани тушуниш учун одамлар ўз ҳаётини таъминлаши учун бойликни қандай топиши мумкин?, деган саволга жавоб ахтарса, ҳамма нарсга аён бўлади, деб ўйлаймиз. Одамлар тўртта йўналишда мол (бойлик) топиб, ўзларини тегишли неъматлар билан таъминлаш ва камбағалликдан чиқиш имкониятини яратадилар. Буларга:

Биринчидан, ўзи кимларгадир (тадбиркорга, давлатга, мулкдорга ва ҳ.к.) ёлланиб, керакли неъматни ўзи меҳнат қилиб ишлаб топади. Буларнинг топгани асосан олаётган ойлик маошининг миқдорига боғлиқ бўлади. Ушбу миқдор оила аъзолари сонига бўлганда камбағаллик чегарасидаги минимал миқдордан (ҳозир ўртача бир кишига 1,90 доллар) ортиқ бўлиши лозим.

Иккинчидан, ўзининг ортиқча мулкни ишлатиш эвазига бойлик топади. Масалан, ортиқча ўйи бўлса, ижарага қўяди ва тегишли ҳақини олиб бойлик орттириб яшайвериши мумкин. Кўпларнинг тасарруфида нотурар жой мақомидаги бинолар мавжуд. Уларни дўконларга, ишлаб чиқариш корхоналарига, хизмат кўрсатиш фаолиятларини юритишга ижарага бериб ҳам мўмайгина даромад қилиб, бунинг эвазига бутун оиласини, ҳатто яқинларини ҳам боқиб келаётганлар ҳам кам эмас. Булар ортиқча пулини захира қилиб, яна мол топадиган мулкни кенгайтириш имкониятига ҳам эга бўлади.

Учинчидан, бойликни топиб, камбағалликни қисқартиришнинг яна бир қулай йўли бировларни ишлатиш эвазига амалга оширилади. Бунинг учун ҳозирги пайтда одамлар ўз маблағлари ва кредитлар эвазига тадбиркорликни ташкил қилиб, унинг

¹⁹ "Дехкон ҳўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низом".

фаолиятини йўлга қўйиб, янги иш ўринларини яратиб, бошқаларни ёллаб ишлатиб бойлик топади. Чунки ҳамманинг ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиши учун имконияти, яъни маблағи ёки қобилияти етарли эмас. Улар ўз меҳнатини сарфлаб, кун кўриш керак бўлади. Шунинг учун кимгадир (асосан тадбиркорларга) ёлланиб ишлайди. Тадбиркор эса, ўз навбатида, уларни ишлатиш эвазига ўзини ҳам, ишловчисини ҳам моддий ва маънавий неъматлар билан таъминлаш имкониятини яратади. Хуллас, тадбиркор бировларни ишлатиш йўли билан бойлик орттириб фаровон яшайди.

Тўртинчи тоифа одамлар борки, улар бировларнинг мулкига ҳам, ишига ҳам “қарам” бўлмасдан, ўзларини ўзлари иш билан таъминлаб, ўзларини, яъни оиласини ўзлари боқишади. Булар томорқа эгалари, хунарымандлар, жуда кўп хизмат кўрсатиш турлари билан шуғулланувчилардир. Томорқада ер беминнат, агар ўзига ўзи иш ўрнини яратган бўлса, бунга ҳам ҳеч ким хўжайин эмас. У ҳеч маҳал ҳеч кимга қарам бўлмасдан ҳар бир фаолиятни ўзи бошқаради, хуллас ўзи учун ўзи ишлайди.

Аммо аҳолининг айрим қатламларида масъулиятсизлик, бепарқлик руҳияти сингиб қолган. Ўзида беминнат томорқаси бор. Унга қарамасдан, ҳатто эътибор ҳам бермасдан “Мени давлат қачон иш билан таъминлайди”, қабилида яшаб келади. Ақли, фаросати етарли, аммо ишсизман, давлат мени иш билан таъминлаб бермаяпти, деб нолиб юраверади. Оқибатда оилада етишмаслик натижасида носоғлом муҳит вужудга келади, ҳаминкадар кун кечира бошлайди. Тани жони соғлом бўла туриб, ўзларини ўзлари кам таъминланган оилалар қаторига киритиб қўйишади. Бундайлар аста-секинлик билан ногиронлиги бор шахсга айланиб қолишларига ҳам ўзлари сабабчи бўладилар. Дангасалиги эвазига даволатишга маблағи етмасдан, алал-оқибат ногиронлиги бор кишиларга айланиб қолиши ҳам мумкин. Ёб-ичиш етарли бўлмаган оилада носоғлом муҳит эвазига кўп ҳолларда нуқсонли, ногирон болалар пайдо бўлади. Буларнинг ҳаммасига, агар чуқурроқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, пировардидаинсонларнинг ўзлари сабабчидирлар.

Бугунги кунда ҳаммага аён ҳақиқат. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва ғамхўрлиги туфайли кам таъминланган, ногиронлиги бор аҳоли қатламига катта эътибор қилиб, уларни уй-жойлар, тегишли жиҳозлар ва бошқа зарур ашёлар билан

таъминлаб келмоқда. Бу катта олқишларга сабаб бўлаётган савоб ишлардан биридир. Лекин ўзимиз қанчалик ҳаракат қиляпмиз? Бу саволга ҳамма ўзига ўзи жавоб бериши керак, деб ўйлаймиз.

“Ҳаракатга барокат”, деган мақолни ҳамма билади. Жуда кўп эшитган. Аммо бунга нечоғлиқ амал қилмоқдамиз. Жумладан, одамлардаги томорқани олайлик. Бу ҳам хазина, каттагина бойликка эга бўлиш имконияти. Томорқадан қанча даромад қилиш мумкинлиги хусусида биргина далил. Масалан, Пахтачи туманида 28453 та хонадон мавжуд экан. Улар тасарруфида 1835 гектар томорқа ери бор. Бу майдонда икки марта ҳосил олинса 60-65 миллион сўм даромад олиш мумкин экан. (“Зарафшон” газ. 2019 йил 26 март. Воҳид Раҳимов маълумоти). Бу ерда ўртача ҳар бир гектар ердан 35,4 млн. сўм даромад қилинар экан. Агар бир сотих ерингиз бўлса, 3,54 млн сўм даромад қиласиз.

Камбағалликни камайитиришда томорқанинг аҳамиятлиги жиҳати нимада? Биринчидан, томорқа ўз ихтиёримиздаги, тасарруфимиздаги экиладиган ер майдони – бетакрор неъмат. Ундан фойдаланиш, ўзимизни иш билан, моддий неъматлар билан таъминлаш имконини беради. Томорқада меҳнат қилиш ҳеч кимга тобе бўлмаган ҳолда амалга оширилади. Қулайи юридик шахс ташкил қилмасдан тадбиркорликни расмийлаштириш орқали ўзингизни ўзингиз иш билан банд қилган бўласиз. Шу билан мазкур ҳудудда бандлик муаммоси ҳам ҳал бўлиб боради. Аста-секинлик билан тадбиркорликнинг кўламини кентайитириш имконияти яратилади.

Иккинчидан, бу муаммони ҳал қилиш йўли борми, деган саволга жавоб ахтарамиз. Бунга эришиш йўли бор экан. Кузатувларимиз натижасида кўп хулосаларга келинди. Шу туфайли далилларни осмондан олмасдан, одамларимизнинг амалга ошираётган ишларини тизимлаштирдик. Буларнинг айримларигагина тўхталиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик.

Учинчидан, ҳар бир қарич ер Яратганнинг бизга берган неъматидир, уни хор қилмасдан, ундан самарали фойдаланиш биз учун шараф, ризқ-насиба, унга эътиборсизлик увол, ҳар бир қарич ерни менинг ризқим, ундан самарали фойдаланиш учун мажбурман, деб қараш кўникмасини ҳар бир киши ўзига сингдириб олиши лозим. Томорқаси борлар камбағал бўлишга ҳаққи йўқ.

Тўрттинчидан, айтмоқчи бўлган яна бир гап, бундан ибрат олса арзийди. Шаҳарда бир оиланинг бир сотихгина жойи бор. Ундан файдаланишига эътиборни қаратинг. Тўрт бурчагига тўртта ток эккан. Уни кўтариб бутун ҳавлисини ёпадиган вайиш қилган. Узумнинг эрта пишадиган ва қишга сақлайдиган навларини эккан. Деярли йилнинг саккиз ойида узум ейди. Бирор кило узум сотиб олмайди. Узумнинг ўртасига битта гилос ва битта ўрик экилган, тагида эса, райхон, ялпиз, турли кўкатлар, ҳатто гиёҳлар ҳам экилган. Булар ҳам оила эҳтиёжини тўлиқ қоплайди.

Бешинчидан, агар шу оила ўша еридан фойдаланмасдан фақат олган пенсиясига (иккаласи ҳам пенсионер) қараб яшаганда пенсиясининг асосий қисми ушбу неъматларни харид қилиб истеъмол қилишга кетган бўларди. Акс ҳолда, улар пенсиясининг бир қисмини жамғариб бормоқда. Хуллас, томорқа хўжалиги оила учун даромад, мос равишда фаровонлик манбаи экан. Камбағаллик ҳақида ҳаёлига ҳам келмайди. Бу кишилар ерни боқади, ер эса ўз навбатида эгасини боқади. Хуллас, томорқасининг ҳар бир қаричига бефарқ бўлмаган одам бугунги кунда ўзини ўзи иш билан, моддий ва маънавий неъматлар билан таъминлайди.

Яқинда Адлия вазирлигининг «Huquqiy axborot» канали хабарига кўра 2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, 2019 йилда 370 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилади. Бундан ташқари мавсумий ва вақтинчалик ишларда 182 мингдан ортиқ аҳолининг бандлиги таъминланади. Жами 552 минг (370+182) аҳоли иш билан таъминланади. Булардан ташқари Давлат буюртмаси доирасида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун эса 46 мингдан ортиқ иш ўринлари банд қилиб қўйилади. Шундай қилиб, 2019 йил якунига қадар республика ҳудудидаги мавжуд ишсизлик даражаси ўсишининг олдини олиш, ишсизлик даражасини камайтиришга эришиш режалаштирилган. Белгиланган прогноз бўйича айрим ҳудудларда хусусан, Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Бухоро, Навоий, Хоразм, Фарғона вилоятларида ишсизлик даражаси, демак камбағалликнинг даражаси камайиши кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир киши томорқага таяниб, унда экилган дарахтларга “суяниб”, олган ҳосилию, қилган даромадига қувониб яшаш имкониятини яратиш ҳам ўзига, Яратганнинг неъматларига бефарқ бўлмаган кишига боғлиқ бўлиб қолди.

6. Камбағалликка барҳам бериш учун нималар қилиш лозим?

Камбағалликка барҳам бериш учун мамлакатимизда кечиктириб бўлмайдиган масалалар сирасига нималарни киритиш мумкин. Бизнинг фикримизча, булар қуйидагилардан иборат:

Биричидан, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича аниқ ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини жорий қилиш, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётда кенг фойдаланишни йўлга қўйиш.

Иккинчидан, ҳар бир маҳалла кесимида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан фуқароларининг яшаш шароитлари ва ижтимоий аҳволи ўрганилиб, яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватини ҳисоблаш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда аҳоли даромадлари табақалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш.

Учинчидан, аниқланган ижтимоий аҳволи танг аҳоли қатламларининг рўйхатини шакллантириш ва уларнинг ҳар бирида қандай имкониятлар мавжудлигини ўрганилиши ва шунга асосланган ҳолда камбағалликни тугатишнинг аниқ манзилли йўналишларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Шунининг инобатга олиш жоизки, мазкур масалада бу майда-чуйда, камбағалликнинг қисқаришига бунинг аҳамият йўқ, деб қарамаслик лозим. Айрим ҳолларда майда нарсадек туюлган жараён катта мувоффақиятларга олиб келиши мумкин.

Тўртинчидан, мамлакатимизда меҳнат бозори ва унинг таркибини сифат жиҳатдан ривожлантириш, ишчи кучи миграцияси жараёнларини таҳлил қилиш, такомиллаштириш ҳамда меҳнат ресурсларини тақсимлаш борасида ўзаро

мувофиқликдаги ишларни олиб бориш баробарида аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш принципини жорий қилиш эвазига бандлик муаммосини ҳал қилишга киришиш.

Бешинчидан, мамлакатимиз микёсида ва унинг барча ҳудудларида, уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, истеъмолад саватчаси ва тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдорлардаги даромадлар даражасини ишлаб чиқиш ва жорий қилинишини тезлаштириш ҳам мақсадга мувофиқ. Чунки, энг аввало, камбағаллик даражасини билиб олиш лозим бўлади. Шундагина уни бартараф қилиш ишларига аниқ манзили тадбирлар билан киришиш мумкин.

Олтинчидан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан 1 октябрга қадар қуйидаги муҳим ҳужжатларни ишлаб чиқиши белгиланган: “Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача “Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси” ва “Саноатни ривожлантириш стратегияси”, “Камбағалликни қисқартириш дастури”. Ушбу ҳужжатларни ишлаб чиқишда кенг жамоатчилик фикрини инобатга олиб, Давлат ва ҳар бир ҳудуд ва маҳаллалар даражасига аниқ чора-тадбирлар белгиланишига эришиш мақсадга мувофиқ.

Еттинчидан, маҳаллалар томонидан рўйхатга олинган аҳолининг камбағал ва ишсиз қатламлари, айниқса аёллар ва ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касбий таълим бўйича маҳаллий эҳтиёждан келиб чиқиб, бюджет ҳисобидан ўқув курсларини очиш ва уларни касбга тайёрлаш ишларини жадаллаштириш ҳам мақсадга мувофиқ.

Саккизинчидан, тегишли маълумотлар асосида ҳар бир ҳудуд бўйича камбағаллик даражасини аниқлаш, уларни баҳолаш бўйича тегишли индикаторлар ишлаб чиқиш, ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, ҳар бир ҳудудда қанчадан камбағал оилаларнинг мавжудлиги маҳаллалар кесимида аниқ белгилаш ва уларни камайтириш бўйича маҳаллий ҳокимият томонидан аниқ чораларни қўллаш.

Тўққизинчидан, ҳар бир ҳудудлар кесимида камбағалликни қисқартириш бўйича белгиланган чора-тадбирларни молиялаштириш, унинг қанча қисми Давлат бюджетидан, қанчаси маҳаллий бюджетдан, қанчаси тадбиркорлар ҳисобидан

ажратилиши бўйича аниқ манбаларни ҳам белгилаш ва уларнинг назоратини олиб бориш.

Ўнинчидан, ҳар бир ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари доирасидаги камбағалликни қисқартиришга қаратилган лойиҳаларни ўз муддатида ва сифатли бажаришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф қилиш, ҳудуднинг эҳтиёжига мос бўлган янги иш ўринларини яратиш.

Ўнбиринчидан, ҳудудлараро ривожланишнинг табақалашувини қисқартириш чораларини кўриш, каерда иш ўринлари яратилиши лозим бўлса, ўша жойда янги иш ўринларини яратиш, ҳудудларда саноат зоналарини ташкил этиш, уларни жойлаштириш юзасидан услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш, уларни ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш.

Ўниккинчидан, камбағалликни қисқартиришнинг бир йўли сифатида оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, бу борадаги тўсиқ ва муаммоларни бартараф қилиш, мазкур соҳани молиялаштиришнинг содда тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётда кенг қўллаш.

Ўнучинчидан, қишлоқ жойларда камбағалликни қисқартириш учун ишлатилмай келаётган ер учаскаларини ҳозиргидек, ёшларга тақсимлаш тизимини янада давом эттириш ва такомиллаштириш мақсадида йирик тадбиркорларга сув иншоатларини куриш ва уларни белгиланган тартибда фойдаланувчиларга сотиш тизимини жорий қилиш механизмини яратиш. Зеро лалми жойлардан ҳамма кишининг сув чиқариш имконияти бўлмайди ва озгина жойни суғориш учун жуда катта харажат қилишга ҳам ҳожат бўлмайди.

Ўнтўртинчидан, мамлакатимизда давлат миқёсидаги ва ҳудудлар бўйича қабул қилинадиган ижтимоий-иқтисодий дастурларда белгиланган вазифаларни белгилашда камбағаллик даражасига таъсирини инобатга олиш ва имкон қадар ушбу муаммонинг ечимига қаратишга аҳамият бериш.

Ўнбешинчидан, мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини янгидан барпо қилишда, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишда асосий эътиборни камбағалликни қисқартириш масаласига йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Ўноттинчидан, ёшларнинг қайси мутахассис ёки қайси даражадаги ўқиши (ўрта, ўрта махсус, олий) бўлмасин, барчасида ўзини ўзи иш билан таъминлаш кўникмасига ўргатиш, уларга назарий ва амалий дарслар орқали шу соҳага оид билимларни беришни ўқув режасига киритиш лозим. Ҳозир ўқув муассасаларида ўқиётган талабалар руҳиятида ўқув муассасасини битиргач қаердадир фаолият кўрсатиб турган корхона ёки муассасада ишлашни мўлжаллайди. Агар ушбу ҳудудда бўш иш ўринлари бўлмаса у ўзини ишсиз ҳис қилади ва шундай қолади. Аксариyat ёшлар ўзини-ўзи иш билан таъминлаш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди.

Ўноттинчидан, аҳолида мавжуд томорқадан самарали фойдаланишга катта эътибор бериш ва бу тадбирни янада такомиллаштириш лозим. Масалан, шаҳарда 1 сотих ери бор киши тўрт бурчагига 4 та турли навдаги узум, ўртасига 2 та мевали дарахт (ўрин ва гилос) экиб парваришлаб ўсдирса, озиқ-овқат билан боғлиқ бир қисм муаммолари шу ерда ҳал бўлади, деярли бозорга бормайди. Бозорга кетадиган маблагларнинг тежалиши эвазига оилага яхшигина қўшимча даромад олиб келади.

Ўнсаққизинчидан, ўзимиздаги мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишдек катта имкониятимиздан самарали фойдаланиш учун, меваларни саралаш, стандартлаштириш, сақлаш масалаларига алоҳида аҳамият бериб, ностандарт бозор “тортмайдиган” маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўйиш ҳам аҳолининг моддий салоҳиятини янада ошириш имконини беради.

Ўнтўққизинчидан, камбағалликни тугатишга йўналтирилган яна бир соҳа – бу хизмат кўрсатиш соҳасидир. Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта имкониятлардан бири ҳисобланиши, мамлакатда бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35 фоизни ташкил этиши, Халқаро меҳнат ташкилоти таҳлилларига кўра, сервис индустриясининг 1 фоизга ўсиши камбағаллар сонини 1,5 фоизга қисқартириши, лекин Ўзбекистонда бу соҳа салоҳиятидан тўла фойдаланилмаётгани таъкидланган. Жойларда маиший ускуналарни таъмирлаш устахоналари, кимёвий тозалаш шохобчалари, компьютер дизайнерлиги, бухгалтерия, реклама, пуллик тиббий хизмат каби тадбиркорлик субъектларини очиш эвазига мазкур йўналишда

камида 160 минг қўшимча иш ўрни яратиш мумкинлигини ҳам Президентимиз кўрсатиб ўтган эди.

Йигирманчидан, камбағалликни қисқартишнинг муҳим йўналишларидан бири ички туризмни ривожлантириш масаласи бўлиб ҳисобланади. Чунки айрим ҳисоб-китобларга кўра, бу соҳада 200 мингдан зиёд аҳолини иш билан таъминлаш мумкин. Шунингдек, туризмга хизмат қилувчи умумий овқатланиш, транспорт, чакана савдо каби йўлдош тармоқларда яна кўплаб иш жойлари ташкил этилиши мумкин. Муҳтарам Президентимиз 2020 йил апрелдаги видеоселекторида ҳар бир ҳудудда имконият ҳам, саёҳатчилар диққатига сазовор жойлар ҳам етарли эканини қайд этди. Мисол учун, Янгиқўрғон туманида 16та дам олиш масканини тиклаш ҳисобига 1 минг 500 нафар аҳолини, Бўстонликда 10 минг ўринга мўлжалланган кўчма дам олиш масканлари ташкил этиш орқали 8 мингга яқин кишини иш билан таъминлаш мумкинлиги кўрсатиб берилган эди.

Йигирмабиринчидан, Ўзбекистоннинг нафақат қадимий шаҳарларидаги сайёҳлик имкониятлари, балки соҳани ривожлантириш учун бошқа имкониятлар ҳам чексиз. Шу туфайли, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар билан бирга янги ички туризм маршрутларини очиш, кўчма дам олиш масканларини кўпайтириш, тиббиёт ва соғломлаштириш туризмини тараққий эттириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди. Ҳокимлар ва сектор раҳбарларига сайёҳлар борадиган барча объектлар, меҳмонхона ва овқатланиш шохобчаларида карантин қоидаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш лозимлиги юклатилди.

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш масаласи бугунги кунда ўта долзарб бўлиб, у билан боғлиқ муаммолар ҳам, уларнинг ечимлари ҳам жуда кўп. Буларни аниқлаш ва ҳал қилиш фақат мутасадди вазирликларнинг ёки маҳаллий ҳокимиятларнинг иши эмас, балки ҳар бир оиланинг, шахсларнинг ишидир. “Мен камбағал бўлиб қолмаслигим учун нима қилишим керак?”, деган саволни ҳар бир киши ўзига бериши ва энг аввало, жавобини ўзи ахтариши, агар ўзининг “қўли калталиқ” қилиб қолсагина, давлатга, маҳаллий ҳокимиятга мурожаат қилиши лозим. Бундайларга маҳаллий ҳокимият, бор имкониятларини ишга солган ҳолда лаббай деб жавоб бериши – миллатимиз, халқимиз олдидаги бурчимиз, деб қарашга

одатланиши лозим. Масъулият ҳар томонлама бўлмас экан,
кўзланган муваффақиятга эришиб бўлмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ТУБДАН ЯНГИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва бозор механизмларини кенг жорий қилиш тамойилларига асосланган ислохотларнинг янги босқичида давлатнинг иқтисодиётдаги ролини камайтириш ва хусусий секторнинг иштирокини кенгайтириш бўйича навбатдаги ишларнинг натижадорлигини ошириш бугунги кунда иқтисодиётни бошқаришнинг аниқ, шаффоф ва натижага йўналтирилган механизмини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, ҳудудларда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, хусусан камбағалликни қискартириш вазифалари кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун фундаментал шароитларни яратиб бериш ҳисобига янги ва барқарор иш ўринларини ташкил этиш билан бевосита боғлиқдир.

Бу, ўз навбатида, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ислоҳ қилиш ва ривожланишига алоқадор вазирлик ва идоралар фаолияти уйғунлигини таъминлашни, мавжуд муаммо ва тўсиқларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишга асосланган замонавий ва инклюзив институционал тизимни жорий этишни талаб этади. Хусусан:

биринчидан, макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсиш мақсадлари ва таркибий ислохотлар ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш, шунингдек, ташки ва ички омиллар таъсирида юзага келадиган иқтисодий цикллارни бошқаришнинг замонавий прогностлаштириш моделларига асосланган самарали тизими ва механизмларини жорий этиш жараёни кечикмоқда;

иккинчидан, камбағалликни қискартиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича яхлит тизим ва мувофиқлаштирувчи давлат органи, меъёрий-ҳуқуқий база, мезонлар ва баҳолаш услубиётининг мавжуд эмаслиги, шунингдек, ушбу йўналишдаги ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш вазифаларининг аниқ ажратиб олинмаганлиги сабабли тегишли аҳоли гуруҳлари билан амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги паст даражада қолмоқда;

учинчидан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ ёндашув ва тамойиллар тўлиқ шакллантирилмаган, иқтисодиётнинг ҳудудий ва тармоқ ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик таъминланмасдан ҳамда ҳудудларни ривожлантиришдаги

мавжуд салоҳият ва «нисбий устунлик» мезонларидан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда инсон капитали ва демографик омиллар инobatга олинмасдан қолмоқда;

тўртинчидан, мамлакатда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг аниқ ёндашувларини белгилаб олиш, тадбиркорликни молиявий ва номолиявий қўллаб-қувватлашнинг мақсадга йўналтирилган, айниқса, аҳолини тадбиркорликка ўқитиш ва касбга ўргатиш ишларини тизимлаштириш, шу жумладан барча дастурлар ҳисобидан ажратилаётган маблағларнинг сарфланиш самарадорлигини баҳолаш ишларини ташкил этишда камчиликлар қузатилмоқда;

бешинчидан, мамлакат саноатини ривожлантиришнинг фундаментал драйверлари ҳисобланган соҳаларда меҳнат унумдорлигини ошириш, соҳанинг рақобатбардошлигини кучайтириш бўйича аниқ механизм ва дастакларга асосланган ягона индустриал сиёсат ва стратегия ишлаб чиқилмаган, шунингдек, мазкур жараёнда техник регламентларни замон талабларидан келиб чиқиб янгилаш ва самарали фойдаланиш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган.

Самарали макроиктисодий сиёсатни юритиш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қискартириш борасида мақбул давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қискартириш вазирлиги (кейинги ўринларда — вазирлик) этиб қайта ташкил этилсин ҳамда қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) макроиктисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва юритиш соҳасида:

макроиктисодий индикаторларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш асосида иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизмларини жорий этиш, иқтисодиётнинг реал сектори ҳолати, ички ва ташқи бозорлар конъюнктураси ҳамда глобал ва минтақавий иқтисодий ривожланиш тенденциялари билан боғлиқ ҳолда иқтисодиётнинг асосий соҳаларини ривожлантириш стратегиясини шакллантириш;

иқтисодиётнинг реал секторидаги ҳолатни олдиндан баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ва самарали фойдаланиш тизимини жорий этиш;

инсон капиталини ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ва молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш, зарур инфратузилмани шакллантиришга асосланган иқтисодий ривожланишнинг концептуал йўналиш ва вазифаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва бошқа идоралар билан биргаликда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, шу жумладан инфляция даражасини пасайтириш ва қўйилган мақсадларга эришиш борасида мувофиқлаштирилган сиёсатни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган экспортни қўллаб-қувватлаш, экспорт ва импортда тариф ва нотариф тартибга солиш сиёсатларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиш;

қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясида кўзда тутилган тадбирлар ва ислохотларнинг меҳнат унумдорлиги, маҳсулот етиштириш ва қайта ишлаш ҳажмларининг ўсишига, иш ўринлари яратилишига таъсирини баҳолаш ва тегишли таклифлар ишлаб чиқиш;

б) камбағалликни қисқартириш борасида:

иктисодий ўсишнинг инклюзивлигини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликда камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш;

камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга эришиш чора-тадбирларини амалга ошириш, яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватини ҳисоблаш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда аҳоли даромадлари табақалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда меҳнат бозори ва унинг таркибини сифат жиҳатдан ривожлантириш, ишчи кучи миграцияси жараёнларини таҳлил қилиш, такомиллаштириш ҳамда меҳнат ресурсларини тақсимлаш борасида ўзаро мувофиқликдаги ишларни олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Маданият вазирлиги билан биргаликда инсон капиталини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

в) ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш соҳасида:

худудларнинг табиий хом ашё ва меҳнат ресурсларини ҳамда «нисбий устунликларини» инобатга олган ҳолда уларни ривожлантиришга туртки берадиган омиллар ва йўналишларни белгилаб олиш ҳамда амалга ошириш;

худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари доирасидаги лойиҳаларни ўз муддатида ва сифатли бажаришга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, худудларaro ривожланишнинг табақалашувини қисқартириш чораларини кўриш;

худудларда саноат зоналарини ташкил этиш, уларни жойлаштириш юзасидан услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш, уларни ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда худудларни ривожлантиришнинг миллий методологик асослари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

г) мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида:

мамлакатда кичик ва ўрта бизнесни ҳамда тадбиркорликнинг барча шакллари ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини юритиш;

иқтисодий ўсишни таъминлашда кичик ва ўрта бизнесни муҳим драйверга айлантиришнинг концептуал ва стратегик ёндашувларни ҳамда соҳани ривожлантириш борасида фундаментал тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

кичик ва ўрта бизнес субъектлари тоифасига оид мезонларни белгиловчи, шунингдек, уларнинг ҳуқуқларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий чоралари — янги воситалар ва ахборот тизимларини яратиш, кредитлашнинг мавжуд механизмлари ва қўллаб-қувватлаш воситалари орқали ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юқори самара берувчи йўналиш ва лойиҳаларни амалга ошириш;

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини доимий равишда такомиллаштириш орқали ресурслардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ва уни самарали бошқариш тизимини йўлга қўйиш;

д) саноатнинг устувор тармоқларини ривожлантириш — ягона индустриал сиёсатни юритиш борасида:

миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва диверсификация қилиш, шунингдек, худудлар ва тармоқларни ривожлантириш уйғунлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш кучларини самарали жойлаштириш, худудларнинг мавжуд табиий ва

иктисодий ресурсларидан унумли фойдаланиш асосида мамлакат саноатини ривожлантиришнинг стратегия ва моделларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда иктисодиётнинг барча тармоқлари ва аҳолини ёқилғи-энергетика ресурслари билан бозор механизмлари асосида узлуксиз таъминлашга қаратилган стратегия ва чора-тадбирларни амалга ошириш;

асосий саноат тармоқлари ва йирик корхоналарни ислох қилиш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

саноат тармоқларининг ривожланиш даражасини мониторинг қилиб боришда халқаро тажрибада кенг қўлланиладиган асосий индикаторларни аниқлаш, «яшил иктисодиёт» ҳамда энергия самарадорлигининг асосий принциплари ва усулларини амалиётга жорий этиш ва мониторинг қилиш услубиятини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

республика саноат корхоналарининг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, ҳажмлари, ички бозор талабининг қондирилиш даражаси бўйича ҳамда ички ва ташқи бозорларда муҳим саноат маҳсулотлари нархларининг ўзгариш тенденциялари бўйича таҳлиллар тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилишини ташкил этиш;

е) давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилиш борасида:

ваколатли давлат органлари билан биргаликда иктисодиётда давлат иштирокини камайтириш мақсадларидан келиб чиқиб ҳамда иктисодий ўсишга таъсири нуқтаи назаридан самарадорлиги паст бўлган йўналишларни аниқлаш асосида давлат иштироки мавжуд тармоқ ва корхоналарни ислох қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш орқали яхлит давлат сиёсати амалга оширилишида иштирок этиш;

давлат иштирокидаги корхоналарни ислох қилиш жараёнларини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, хусусан улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматларнинг эркин ва рақобатбардош бозорини шакллантириш билан боғлиқ таркибий ислохотларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

давлат улуши мавжуд стратегик тармоқ ва корхоналарда меҳнат унумдорлигини, энергия ва бошқа ишлаб чиқариш ресурслари тежамкорлигини ошириш ҳамда маҳсулот таннархини камайтиришда замонавий механизм ва ёндашувларнинг қўлланилиши бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштиришда иштирок этиш;

ж) давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш борасида:

барқарор иктисодий ўсишни таъминлаш, миллий иктисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш ва

худудларни комплекс ривожлантириш мақсадида инвестицияларни жалб қилиш учун устувор соҳа ва тармоқларни аниқлаш орқали мамлакатнинг фаол инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

иктисодий ўсиш учун зарур бўлган инфратузилмани яратишга қаратилган инвестиция сиёсатини амалга ошириш, иш жойларини ташкил этиш ва худудларни барқарор ривожлантиришни таъминловчи инфратузилманинг стратегик ривожланиш йўналишларини белгилаб бериш;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси, тармоқлар ва худудларни ривожлантириш стратегиялари ва дастурларидан келиб чиққан ҳолда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Давлат инвестиция дастурини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига Давлат инвестиция дастурининг асосий йўналиши ва лойиҳалари бўйича тегишли ички ва ташқи манбаларни шакллантириш учун буюртмаларни бериш;

Давлат инвестиция дастурини макроиктисодий нуқтаи назардан таҳлил қилиш ҳамда бу борада шакллантирилган хулосалардан келиб чиқиб, инвестиция йўналишларини белгилаш;

давлат инвестиция сиёсатининг умумий инвестициявий фаолликка, шу жумладан хусусий ва хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар оқимига таъсирини таҳлил қилиш, прогнозлаш ҳамда бу борада тегишли таклифларни шакллантириш;

3) инфраструктурани ривожлантириш ва урбанизация сиёсатини юритишда:

шаҳарларни ривожлантириш бўйича ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш, турар жойларни муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма билан биргаликда қуришни иноватга олган ҳолда урбанизация жараёнларини давлат томонидан самарали тартибга солишни таъминлаш, шунингдек, ер участкаларига оид замонавий бозор механизмларини жорий этиш;

шаҳар ва қишлоқлардаги узок муддатли демографик тенденцияларни таҳлил қилиш, жадал саноатлаштириш шароитида шаҳарларнинг демографик сизимлари ҳамда ишчи кучига бўлган эҳтиёжларини прогноз қилиш ва шу асосда урбанизация қўламларини белгилаш — мавжуд шаҳарларни кенгайтириш ёки йўлдош шаҳарчаларни яратиш юзасидан худудлар кесимида таклифлар тайёрлаш;

янги барпо этиладиган йўлдош шаҳарлар аҳолисининг яшаш шароити даражасини янада ошириш ҳамда шаҳарларнинг бош

режаларини ишлаб чиқишнинг молиялаштириш манбаларини аниклаш ва мувофиқлаштириш;

илғор, энергия тежовчи, экологик тоза технологиялар ва материалларни жорий этиш асосида ҳамда ижтимоий, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмалари мавжуд йўлдош-шаҳарлар бунёд этилишини ҳисобга олган ҳолда шаҳар агломерацияларини шакллантиришни бошқариш;

уй-жой курилиш бозорини ипотека кредитлари орқали ривожлантириш ҳамда мавжуд уй-жой фондини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, илғор хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда реновация тизимини такомиллаштириш ва дастурлар ишлаб чиқиш;

и) бизнес муҳитини яхшилаш ва халқаро рейтинглар масалалари бўйича:

иқтисодий бозор тамойиллари асосида бошқариш бўйича институционал ислохотларни амалга ошириш орқали бизнес фаолияти соҳасидаги асоссиз мажбуриятлар, тақиқлар ва чекловларни олиб ташлаш, жорий тартибга солиш жараёнларини такомиллаштириш ҳамда соҳада амалдаги ва қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бизнес муҳитига таъсирини баҳолаш;

«Ўзстандарт» агентлиги ва бошқа ваколатли органлар билан биргаликда тадбиркорлик субъектлари ўз бизнес фаолиятларини эркин амалга оширишларида тўсқинлик қилиши мумкин бўлган техник регламент ва талабларни ўрнатувчи органлар фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда мамлакат иқтисодий рақобат муҳитини яхшилаш, Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсман билан биргаликда бизнес муҳитини яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларни ташкил этишда ҳамкорлик қилиш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга ошириш;

халқаро иқтисодий рейтинглар билан ишлашда илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда рейтингларни ҳар бир таркибий индикатори кесимида мутасадди вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларидан иборат махсус ишчи гуруҳларни тузиш ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштириш;

к) жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш соҳасида:

мамлакатни иқтисодий ривожлантириш стратегиясидан, шу жумладан ўрта ва узоқ муддатли ташқи иқтисодий мувозанатлигини таъминлаш мақсадларидан келиб чиқиб, халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

иктисодий соҳада турли интеграция бирлашмалари (МДХ, ЕОИИ ва бошқалар) билан, республика ҳудудлари хорижий давлатлар ҳудудлари билан, шу жумладан чегараолди ҳамкорликнинг мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланиш истикболларига таъсирини кенг қамровли таҳлил қилиш ва кенгайтириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

ваколатлар доирасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан музокараларда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ифодалаш, белгиланган тартибда ва халқаро ҳуқуқ битимларига мувофиқ бошқа давлатларнинг ваколатли ташкилотлари билан иқтисодиёт ва саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ҳамкорлик битимларини тузиш.

Белгилансинки, вазирлик ўз олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда уларнинг устуворлиги ва босқичма-босқичлик тамойилидан келиб чиқади, шунингдек, ҳар бир йўналиш бўйича халқаро эксперт-маслаҳатчиларни жалб қилиши мумкин.

2. Вазирлик тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар:

2030 йилгача Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш концепциясини;

2030 йилгача Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантириш стратегиясини;

Камбағалликни камайтириш дастурини;

Тошкент шаҳри, Тошкент ва Фарғона вилоятларида ўтказилаётган синов натижаларига асосланиб, 2021 йилдан бошлаб республиканинг барча ҳудудларида минимал истеъмол савати ва яшаш минимуми жорий этилиши юзасидан тегишли қарор лойиҳасини ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини таъминласин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

тармоқлар, соҳалар ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича барча ўрта ва узоқ муддатли концепциялар, стратегиялар ва дастурлар вазирлик билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади;

қабул қилинадиган ижтимоий-иктисодий дастурлар ва қарорлар вазирлик томонидан камбағаллик даражасига таъсирини баҳолаш нуктаи назаридан экспертизадан ўтказилади;

рақобат ва монополияга қарши курашиш, техник регламентларни ўрнатиш, ер муносабатларини тартибга солиш, геология ишлари, давлат активларини бошқариш, давлат-хусусий шериклик механизмини такомиллаштириш бўйича чоралар ва сиёсатларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлашда вазирлик иштирок этади.

Вазирлик белгиланган вазифалар ижросини самарали амалга ошириш мақсадида бевосита халқаро молия ташкилотларидан грант

маблагларини ва чет эллик юкори малакали экспертларни мунтазам жалб қилиш ҳуқуқига эга.

4. Вазирлик ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари камбағалликни қисқартириш бўйича биринчи навбатдаги амалий ишларни жадаллаштириш юзасидан бир ой муддатда:

маҳаллаларда ҳар бир хонадон ва оилаларнинг турмуш шароити ва ижтимоий аҳволи оғир бўлган қатламини ўрганиш асосида дастлабки рўйхатни ҳамда маҳаллалар паспортларини шакллантирсин;

аҳолининг ушбу қатламини бевосита моддий ва номоддий ёрдам кўрсатилиши лозим бўлган ёки касбга ўқитиш ва тадбиркорликка ўргатиш орқали даромадини ошириш мумкин бўлган гуруҳларга ажратиб олиш орқали, шунингдек, зарур манбаларни аниқлаш ва ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларига асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширилишини бошласин.

5. Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар амалга оширилишини мувофиқлаштириш функцияси юклансин.

6. Вазирлик:

а) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» давлат унитар корхонаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича тегишли қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 июлга қадар Осиё тараққиёт банкининг 100 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблагларини жалб қилиш орқали «Ўзбекистон Республикасида замонавий иқтисодиёт учун кўникмаларни ривожлантириш» лойиҳасининг амалга оширилишини ташкил этсин.

7. Белгилансинки:

республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси ҳамда тармоқлар, соҳалар ва ҳудудларни ривожлантириш стратегияларидан, шунингдек, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда вазирлик ижтимоий соҳа ва инфратузилмани ривожлантириш учун уч йил муддатга инвестициялар ҳажми прогнозларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказлашган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун бюджет маблагларининг ва давлат ташқи қарзининг лимитини вазирликка тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ижтимоий соҳа, инфратузилма ва ишлаб чиқаришни

ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматлар молия ташкилотларининг маблағлари ҳамда хорижий ҳамкорларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этади;

Давлат инвестиция дастури Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан вазирлик ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда шакллантирилади;

республика шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг бош режаларини, шунингдек, қишлоқлар (овулла) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш бўйича буюртмачи функциялари вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, вилоятлар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаларига юкланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Сув ҳўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитаси вазирлик билан биргаликда 2020 йил 1 августга қадар мавжуд дастурларни тўлиқ хатловдан ўтказиб, қайта кўриб чиқсин ҳамда ушбу дастурларни 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясида кўзда тутилаётган умуммиллий ривожланишнинг мақсадли параметрларига мувофиқлигини таъминласин.

9. Камбағаллик даражасини қисқартириш борасидаги чоратадбирларни молиялаштириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан 2020 йилда вазирликка 100,0 млрд сўм ажратилсин.

Камбағалликни камайтириш дастурида белгиланадиган вазифаларнинг амалга оширилишини ҳамда ушбу йўналишдаги дастурларнинг молиялаштирилишини таъминлаш учун 2021 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда алоҳида қаторда тегишли маблағлар кўзда тутилади.

10. Вазирлик ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) этиб қайта ташкил этилсин.

Вазирлик 2020 йил 1 майга қадар Агентликнинг фаолиятини унинг барча вилоятлар, шаҳар ва туманларда бўлинмаларини ташкил этишни инобатга олган ҳолда тегишли ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Урбанизация агентлиги тугатилсин ҳамда унинг функция ва вазифалари вазирликка ўтказилсин.

Урбанизацияни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини юритиш юридик шахс ташкил этмаган ҳолда вазирликка юклатилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази ва унинг ҳудудий филиаллари вазирликка ўтказилсин ҳамда уларнинг негизида Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби (кейинги ўринларда — Олий мактаб) ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Олий мактаб фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин:

Олий мактаб корпоратив бошқарув ва тадбиркорлик соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича олий таълим муассасаси ҳисобланади, унинг Нукус шаҳри ҳамда барча вилоятлар марказларида юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳудудий филиаллари тузилади;

бизнесни ташкил этиш ва бошқариш йўналишларида жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасаларининг ўқув-услугиётига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув дастурлари асосида мутахассисларни тайёрлайди;

жойларда аҳолининг кенг қатламини бизнес юритиш ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш ҳамда бу соҳада малакали тренерларни тайёрлайди.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси 2020 — 2022 ўқув йиллари учун хорижда таълим олувчи номзодлар рўйхатини шакллантиришда «иқтисодий ривожланиш» ва «макроиқтисодий сиёсат» йўналишларида замонавий билимга эга бўлган кадрларни тайёрлаш мақсадларида вазирлик билан биргаликда ёш мутахассис ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини хорижга таълим олиш ва малака оширишга жўнатиш учун амалий чоралар кўрсин.

14. Вазирлик Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда, давлат захираларини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, стратегик ва сафарбарлик захираси товарлар номенклатураси ва ҳажмларини танкидий қайта кўриб чиқиш, маҳсулотлар нархи кескин ўзгаришининг олдини олувчи бозор

тамойилларига асосланган таъсирчан механизмларни жорий қилишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 мартга қадар:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни хусусийлаштириш бўйича Сирдарё вилоятида ўтказиладиган ҳуқуқий эксперимент муддатини узайтириш;

«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларни хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг кучга кириш муддатини узайтириш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тегишли қонун лойиҳасини киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда вазирлик фаолиятини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

18. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда белгиланган тартибда:

қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 март,
ПФ-5975-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон Фармони
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5621-сон Фармонида:

2-банддаги «Иқтисодиёт ва саноат» сўzlари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш» сўzlари билан алмаштирилсин;

3-банднинг учинчи — бешинчи хатбошиларидаги «Иқтисодиёт ва саноат» сўzlари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш» сўzlари билан алмаштирилсин;

4-банднинг иккинчи, учинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошиларидаги «Иқтисодиёт ва саноат» сўzlари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш» сўzlари билан алмаштирилсин;

5-банднинг биринчи хатбошидаги «Иқтисодиёт ва саноат» сўzlари «иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш» сўzlари билан алмаштирилсин;

6-банддаги «Иқтисодиёт ва саноат» ва «2019 йил 1 июнга қадар» сўzlари «иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш» ва «2020 йил 1 октябрга қадар» сўzlари билан алмаштирилсин;

7-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5623-сон Фармонида:

а) 3-банддаги «Иқтисодиёт ва саноат» сўzlари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 4-бандда:

«а» кичик бандидаги «Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Урбанизация агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин, унинг» сўzlари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг» сўzlари билан алмаштирилсин;

«б» кичик бандидаги «Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги» сўzlари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда» сўzlари билан алмаштирилсин;

в) 5-банддаги «Иқтисодиёт ва саноат» сўzlари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш» сўzlари билан алмаштирилсин;

г) 11-банддаги «Иқтисодиёт ва саноат» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) илованинг 4, 15, 20, 22-23 позициялари «масъул ижрочилар» устунидаги «Иқтисодиёт ва саноат» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида» ПФ-5953-сон Фармонида:

а) 12-банднинг биринчи хатбошисидаги «августга» сўзи «октябрга» сўзи билан алмаштирилсин;

б) илованинг 189-позициясида:

«Бажариш муддати» устунидаги «август» сўзи «октябрь» сўзи билан алмаштирилсин;

«Ижро учун масъуллар» устунидаги «Иқтисодиёт ва саноат» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш» сўзлари билан алмаштирилсин.

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.03.2020 й., 06/20/5975/0377-сон)

Ҳужжатда хато топганингизда, уни белгилаб Ctrl+Enter ни босинг.
© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА
УНИНГ ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5975-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (кейинги ўринларда — вазирлик) ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг марказий аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тўғрисида низом 3-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг тузилмаси, шунингдек, вилоятлар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаларининг ҳамда туманлар (шаҳарлар) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари намунавий тузилмалари 4, 4а, 4б ва 4в-илловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, вилоятлар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармалари бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 5-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, вилоятлар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармалари ҳамда туманлар (шаҳарлар) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари 6, 6а ва 6б-илловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти тузилмаси 7-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тармоқ бозорлари ва ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги тадқиқотлари маркази тузилмаси 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси ҳамда туманларнинг иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимларининг амалдаги номини, ташкилий тузилмаси ва штат бирикълари сонини ушбу қарор талабларига мувофиқлаштириш чораларини кўрсин.

2. Белгилансинки:

вазирлик марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони 298 тани ташкил этади. Бунда, вазирлик ва унинг қуйи тизими ташкилотларининг бошқарув ходимлари чекланган сонини ошириш вазирлик ҳузуридаги Урбанизация агентлигини тугатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг, шунингдек, уларнинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари сонини қисқартириш ҳисобига амалга оширилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармалари ҳамда туманлар (шаҳарлар) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари бошлиғи ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти (кейинги ўринларда — Институт), Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, Тармоқ бозорлари ва ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги маркази, Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси ходимларига вазирлик марказий аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий хизмат, транспорт таъминоти ва ижтимоий ҳимоя шартлари татбиқ этилади, шунингдек, уларга кўп йиллик хизматлари учун устама тўловлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, вилоятлар Иқтисодий тараққиёт

ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 январдаги «Давлат бошқаруви ҳудудий органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2722-сон қарори 1-бандида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, вилоятлар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимларининг жорий таъминоти ва улар фаолиятини, шунингдек, ходимларига кўп йиллик хизматлари учун тўловларни молиялаштириш Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади;

Институт ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби директорлари мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, тиббий ва транспорт таъминоти шароитлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Институт ходимларига транспорт ва овқатланиш харажатлари учун ҳар ойлик тўловлар ҳамда байрамлар муносабати билан мукофот пуллари вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тўланади;

вазирлик, унинг марказий аппарати ва тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарлари республика даражасидаги, вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ҳудуд даражасидаги давлат улушига эга ҳўжалик жамиятлари кузатув кенгашларининг аъзолари сифатида белгиланган тартибда иштирок этиши мумкин;

вазирлик ва унинг қуйи тизими ташкилотлари ходимларини фаолият йўналишига хос бўлмаган ишларга жалб қилишга йўл қўйилмайди.

4. Вазирлик тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда қарорнинг 9-иловасига мувофиқ иқтисодий бозор механизмларига ўтказишдаги фундаментал масалалар ва номутаносибликларни бартараф этиш, бошланган ислохотларни мантикий давом эттириш, навбатдаги ислохотларга замин яратиш борасида биринчи навбатда амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг «Йўл харитаси» ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминласин;

5. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда камбағал ва ишсиз аҳолини, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни

тадбиркорликка кенг жалб қилиш, меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

камбағал, ишсиз фуқароларни касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитишни маҳалла, туман (шаҳар) ва ҳудуд марказлари даражасида «маҳаллада касб-хунарга ўқитиш масканлари — туман касб-хунарга ўқитиш марказлари — ҳудуд «Ишга марҳамат» мономарказлари» механизми асосида амалга ошириш;

«маҳаллада касб-хунарга ўқитиш масканлари»ни Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги ўқув марказларининг филиаллари (бўлинмалари) сифатида ташкил этиш, шунингдек, ишсиз фуқаролар, айниқса ёшлар ва хотин-қизларни ўқитиш билан боғлиқ харажатларни Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан молиялаштириш тартиби;

2020 йил 1 июлга қадар ҳар бир ҳудудда камида биттадан «Энг яхши касбга тайёрлаш дастури» бўйича нодавлат ташкилотлари ўртасида танлов ўтказиш, танлов ғолибларига ўз ишини ташкил қилиш учун Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармасидан грант ажратиш тартиби;

нодавлат ўқув марказлари ва касб-хунарга таълими тизими битирувчиларининг касбий малакасини «ворлд скилс» («world skills») халқаро стандартлари асосида баҳолаш тизимини жорий этиш;

2020 йил 1 октябрга қадар ҳар бир ҳудудда камида биттадан «Ишга марҳамат» мономарказлари ёки касб-хунарга тайёрлаш марказларини ташкил этиш;

2020 йил 1 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Россия Федерациясининг ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари энг кўп фаолият юритаётган ҳудудларини аниқлаб, дастлабки босқичда камида бешта шаҳарда мигрантларни касбга ўқитиш ва рус тилини ўргатишни ташкил этиш ҳамда келгусида ушбу ишлар камрови ва қўламини кенгайтириш назарда тутилсин.

6. Вазирлик, Молия вазирлиги, Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари тўлиқ сафарбар этилганлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу ташкилотларнинг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ишлари Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг қўшимча даромадлари ва республика бюджети ҳисобидан молиялаштирилсин.

7. Вазирлик марказий аппарати Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45а-уй манзилида ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 25-уй манзилида жойлаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда вазирлик тасарруфидаги ташкилотларнинг барча қулайликларга эга бўлган биноларда жойлаштирилишини, шунингдек, зарур ҳолларда, уларга давлат мулки объектларини оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилишини таъминласин.

Институт Тошкент шаҳри, Хадра массиви, 33-уй манзилидаги бино-иншоотларни уларга туташган ер майдони билан оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул қабул қилиб олган ҳолда, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишлари якунлангандан сўнг жойлаштирилсин.

8. Институт ҳузуридаги «Иктисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар» журнали» таҳририяти» давлат унитар корхонаси тугатилсин ҳамда корхонага юклатилган вазифалар ва журнални чоп қилишни ташкил этиш ишлари Институт таркибида тузилган таҳририй-нашриёт бўлимига юклатилсин.

Қайд этилсинки, журнални чоп этиш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети, Институтнинг бюджетдан ташқари ҳамда хўжалик фаолиятдан тушган маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги вазирлик бунёдманомасига мувофиқ Институтга нашриёт ускуна-жиҳозлари харид қилиш ва фаолиятини йўлга қўйиш учун зарурий миқдордаги грант маблағлари ажратсин.

9. Вазирлик тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

вазирлик ҳузурида янги ташкил этилган, қайта ташкил этилган ва унинг тизимига киритилган ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш, уларнинг Низомларини тасдиқлаш, барча қулайлик ва шароитларга эга бўлган биноларга бегараз жойлаштириш, моддий-техника базасини яратиш ва бошқа ташкилий-техник масалаларни ҳал этишни таъминласин;

вазирлик марказий аппарати ҳамда вазирлик ҳузурида янги ташкил этилган, қайта ташкил этилган ва унинг тизимига киритилган ташкилотларнинг штат жадвалларини икки ҳафта муддатда тасдиқласин ҳамда уларнинг малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин;

бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳукуматининг айрим қарорларига 10-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 март,
ПҚ-4653-сон

МАМЛАКАТДАГИ ВАЗИЯТ ВА БОЛАЛАР АХВОЛИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ

Ўзбекистонда 33,5 миллиондан ортиқ аҳоли истикомат қилади, уларнинг 10 миллионга яқини болалардир.

Давлат ижтимоий соҳанинг харажатларига миллий бюджетнинг 55%дан ортигини ажратади. Бу ЯИМнинг 10% дан ортиқ бўлиб, болаларга йўналтирилган инвестициялар ушбу харажатларнинг 78% ни ташкил этади.

Болаларга йўналтирилган давлат инвестициялари билан боғлиқ бўлган асосий муаммолар ҳар бир болага тўғри келадиган давлат харажатлари пастлиги, ушбу харажатлар болалар аҳволига қандай таъсир қилишининг ноаниқлиги, инклюзив сиёсат учун кам маблағ ажратилиши кабилардан иборат. Хорижда ишлаётган тахминан бир неча миллион ўзбекистонликлар юбораётган ва баъзи оилалар учун муҳим даромад манбаи бўлган пул ўтказмалари 2018 йилда ЯИМнинг 9% ни ташкил этди.

2006 йилдан бери болалар нафақасини оладиган уй хўжаликлари сони 70% га қисқарган. Болаларни ижтимоий ҳимоя билан камраб олиш асосан билвосита бўлиб, шу сабабли 0-17 ёшдаги болаларнинг факат 17% уч турдаги болалар нафақаларидан камида биттасини оладиган хонадонларда яшайди.

Болалар нафақасини олиш ҳукуки бола 14 ёшга тўлганида – асосий таълимни тугатганидан сўнг тўхтатилади. Ҳисоб-китобларга кўра, ёшларнинг 42% (66% аёллар ва 34% эркаклар) на меҳнатда, на таълим ёки тайёргарликда банд эмас (МТБЭ).

2016 йилда мамлакатда камбағаллик даражаси (қунига 2100 ккал дан камистеъмол килувчи инсонлар сони бўйича ҳисобланган) 12,3% ни ташкил этди. Қишлоқ жойларда эса бу кўрсаткич аҳолининг тўртдан уч қисmini ташкил этган. Амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими болали оилаларни камбағалликдан самарали ҳимоя қилмайди: 9 ёшгача бўлган болаларнинг 30% га яқини ва 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг 24% энг камбағал квинтиллардан бўлган оилаларда яшайди.

Ўзбекистон болалар яшаб кетиши ва ривожланишининг муҳим кўрсаткичлари бўйича ижобий натижаларга эришди. Шу билан бирга, чакалоқларнинг яшаб кетиши даражаси хавотирланарли ҳолатда: 5 ёшгача бўлган болалар ўлимининг 50% улар ҳаётининг дастлабки 28 кунда рўй беради. Сўнгги йилларда ўлик туғилиш ҳолатлари сезиларли даражада ошди. Туғруқдан олдин ва юқори хавфли ҳомиладорлик даврида тиббий хизматларнинг сифати жиддий муаммоларга сабаб бўлмоқда. Соғлиқни сақлаш тизimini ташкиллаштириш ва бошқариш оптимал даражада эмас. Бу эса, соғлиқни сақлаш тизимининг баъзи қисмларида одамларнинг хаддан ташқари кўп бўлишига олиб келади ва бу билан оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатидаги

муаммоларни келтириб чиқаради. Алоҳида кўрсаткичлар бўйича ҳам, соғлиқни сақлаш муассасаларининг сифатини баҳолаш бўйича ҳам вилоятлар орасида катта фарқ мавжуд.

Расмий маълумотларга кўра, иммунизация камрови кенг (95% дан юқори) бўлса-да, 2019 йилда кизамиқ ва менингитнинг тарқалиши Иммунизация дастурининг заиф томонлари борлигини кўрсатади. Бундан ташқари, ҳомиладор бўлмаган аёллар ва болаларнинг овқатланиш ҳолати ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда: болаларнинг 15% анемия, 50% дан кўпроғи темир моддаси танқислиги ва 6% А витамини етишмаслигидан азият чекмоқда.

Болалар осонликча олдини олиш мумкин бўлган касалликларга чалиниб, нобудбўлмоқдалар. Демак, овқатланиш стратегияларига, юқумли касалликларнинг олдини олишга ва соғлиқни сақлаш тизимига сармоя қилиниши долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. ОИВнинг онадан болага вертикал равишда юқиши камайган бўлса-да, ҳозирда ОИВ/ОИТС ўлим сабабларидан бири бўлиб, болалар ўртасидаги бу кўрсаткич ўсган.

Ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кўпаймоқда. Айниқса 15-19 ёшли болалар орасида бундай ҳолатлар кўпроқ учрамоқда. Айни вақтда руҳий саломатлик хизматлари анъанавий муассасаларда жойлашган ихтисослаштирилган хизматларга юқори даражада боғлиқдир. Ишчи кучи сифати, тиббиёт бўйича олий таълим муассасаларидаги ва малака оширишдаги таълимнинг эскирган ёндашувларга асосланганлиги ҳамда соғлиқни сақлашни бошқариш ахборот тизимининг яхши ташкил этилмаганлиги соғлиқни сақлаш тизими ва иммунизация дастуридаги кўплаб муаммоларнинг асосий сабабларидир.

2017 йилдан бошлаб таълимнинг кичик тармоқларида муҳим ва юқори мақсадларни кўзлаган ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳукумат таълим сифати ва натижаларини ислохотлар марказига қўйди, шунингдек 2021 йилга келиб 100% камраб олишга эришиш учун мактабгача таълим муассасаларини кенгайтиришни режалаштирмоқда. Мактабгача таълим кўрсаткичлари ўсган бўлсада, унинг даражаси пастлигича қолмоқда – 2018/2019 ўқув йилида атиги 48% га етди. Бошланғич ва ўрта таълим даражаларида давомат ўртасидаги фарқлар шундан далолат берадики, болалар ушбу босқичларда мактабни ташлаб кетишлари ёки синфда қолишлари мумкин. 2017 йилда 33 минг нафар болалар ва 108 минг нафар ўспиринлар мактабга қатнамаган бўлиб, уларнинг 60% қизлар ва аксарияти ногирон болалардир. Таълим, ижтимоий интеграция ва фуқаролик нуктаи назаридан мақбул натижаларга эришиш учун Ўзбекистондаги таълим тизимини янада кучайтириш зарур.

Умумий ўрта таълимнинг сифати ва ўқувчиларнинг ўқув натижалари жуда ўзгарувчан ва номуносив бўлиб қолмоқда: ўқув натижалари бўйича 2018 йилда миллий миқёсда ўтказилган кенг камровли тадқиқотнинг натижасида маълум бўлишича, ўқувчилар ўз

синфлари бўйича кутилганига нисбатан ўртача натижани кўрсатганлар, бошланғич синфларда ўзлаштириш суръати эса паст эканлиги маълум бўлган. 2015 йилда махсус мактаблар ва мактаб-интернатларда таълим олаётган ўқувчиларнинг умумий сони 17 960 тани ташкил этган. Бироқ, махсус мактаблардаги болаларнинг атиги 35% расмий ногиронлик мақомига эга.

Ўзбекистон ўзининг конунчилик базаси ва болаларни ҳимоя қилиш амалиётини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш йўлида муҳим кадамларни қўйди. Қизлар учун никоҳга рухсат берилган қўйи ёш чегараси 18 ёшга қадар кўтарилди ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Омбудсманнинг бола ҳуқуқлари бўйича ўринбосари лавозимини жорий этиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Вояга етмаганлар никоҳи (асосан қизларга тааллуқли) қамаяётган бўлса-да, 2018 йилда бундай никоҳлар сони 4,787 тани ташкил этган.

Деинституционализация сиёсатидаги баъзи бир ютуқларга эришилганлиги ва тегишли ҳаракатлар режаси қабул қилганига қарамай, интернат туридаги муассасалар оиладан ташқаридаги болаларни парваришлашнинг асосий шакли бўлиб қолмоқда. Бундай муассасаларда яшайдиган болалар сони ҳар 100 минг нафар болага 255 тани ташкил қилади ва бу дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан икки баравар кўпдир. Интернатлардаги болалар орасида ногирон болаларнинг улуши ҳаддан зиёд кўп бўлиб, 2016 йилда 84% ни ташкил этди. Айни вақтда, меҳнат мигрантларининг болалари кўпинча қариндошлар қарамоғида норасмий қоладилар, шу сабабли улар конуний идоралардар ўйхатдан ўтмайдилар; натижада, улар қанчалик фаровон яшашини доим ҳамталаб даражасида мониторинг қилишга имкон бўлмайди.

Ўзбекистонда вояга етмаган болаларга ихтисослашган одил судловнинг алоҳида тизими мавжуд эмас. Амалдаги жиной қонунчилик суд жараёнида жабрланувчилар ва жинойтга гувоҳ бўлганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилмайди. Жинойт жавобгарликка тортиладиган энг кичик ёшга етмаган болалар (жинойт турига қараб 13 ёшдан 16 ёшгача) уч йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин. Яқинда ўтказилган баҳолаш шуни кўрсатдики, болаларни ёпиқ таълим муассасаларига жойлаштиришга олиб келадиган “жамиятга қарши хатти-ҳаракатлар” кўпинча оиладаги номаъқул муҳит, камситиш, зўравонлик ва парваришнинг етишмаслиги, оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлиги ва моддий имкониятлар мавжуд эмаслиги сабабли юзага келган.

Қонунчиликда тегишли қоидалар мавжуд бўлишига қарамасдан, мамлакатда оилавий муҳитдан бошлаб, болаларнинг мазмунли иштирок этишини қўллаб-қувватлайдиган механизмлар мавжуд эмас. Болалар ва ёшларнинг қарор қабул қилиш ва ижтимоий ҳаракатлардаги иштироки чекланганлигича қолмоқда. Ёшларнинг заифлиги МТБЭ

кўрсаткичининг юкори даражада бўлиши, рухий саломатлик муаммолари ва ўз жонига қасд қилиш ҳолатларида, шунингдек, ёшлар орасида меҳнат миграцияси кўрсаткичларининг юкори бўлишида ўз аксини топмоқда.

Қатор манбалар маълумотларига кўра, ажралишлар, болалар ота-оналаридан айрилиши кўрсаткичлари ҳамда уйдаги зўравонликка учраган аёллар тикловчи хизматлардан фойдаланиш даражаси ошмоқда.

Зилзила ва сув тошқини болаларнинг ҳаёти ва фаровонлигини хавф остига қўювчи асосий табиий ҳодисалар бўлиб қолмоқда.

ЭНГ МУҲИМ ЮТУҚЛАР ВА МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛЛАРИ

Ҳар бир боланинг омон қолиши ва камол топиши

2019 йилда Ўзбекистон ҳукумати соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни давом эттирди. ЮНИСЕФ ЖССТ билан биргаликда ислохотлар болаларга хизмат кўрсатиш яхшиланишига олиб келишини таъминлаш мақсадида ушбу жараёнда иштирок этди. Масалан, ЮНИСЕФнинг тарғиботи туфайли санитария-эпидемиология хизматларини (шу жумладан иммунизацияни) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (ССВ)дан ажратиш режаси бекор қилинди, чунки бу заиф мувофиқлаштириш ва ресурсларнинг қисқариши туфайли болаларни эмлаш камровига салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди.

Бундан ташқари, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги қошида болалар учун хавфсиз вакциналарнинг узлуксиз мавжудлигини кафолатлайдиган янги Логистика ва таъминот бўлими ташкил этилди. Бунга қўшимча тарзда вакциналарни сотиб олишни режалаштириш ва бюджетлаштириш воситаси қайта кўриб чиқилди, ва ҳозирда ушбу восита совуқлик занжири ускуналарига техник хизмат кўрсатиш модулини ўз ичига олади. Мазкур услуб Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан расмий равишда қабул қилинган. Вилоят ва туман даражаларида совуқлик занжирининг сиғими сезиларли даражада оширилиб, тўққиз хил вакциналарни 750 000 дан ортик болаларга етадиган миқдорда хавфсиз сақлаш имконияти яратилди. Вакциналар ваиммунизация бўйича Глобал альянс (ГАВИ) кўмагида Ўзбекистоннинг барча 12 вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси янги қурилган совуқлик занжири омборхоналари ва совуқхоналар билан таъминланди ва уларнинг ходимлари замонавий ускуналар ва технологиялардан тўғри фойдаланишга ўқитилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар мамлакатда эмлаш камровини юқоридаражада сақлаб туришга ёрдам беради.

ЮНИСЕФ кўмагида Соғлиқни сақлаш вазирлиги 9 ёшли кизлар учун Одам Папилломаси вируси (ОПВ) вакцинасини жорий этди ва унинг камрови 96% гаетди. Бунга, айниқса катта шаҳарларда

вакцинацияга карши кучли ҳаракатлар кузатилганига қарамай эришилди. Эмлашга нисбатан қаршилиқни енгиш учун ЮНИСЕФ ЖССТ билан биргаликда алоқа стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни қўллаб-қувватлади, бу эса саломатликни таъминлаш сиёсатига содиқликлик, кўп тармоқли ҳамкорлик ҳамда миллий, минтақавий ва туман даражадаги раҳбарлар томонидан хайрихоҳ фаолиятни рағбатлантирди.

ЮНИСЕФ илмий асосланган маълумотларга таяниб ва тенг ҳуқуқлилиқ тамойилларига асосланган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш режаларини жорий этган ҳолда, туманлар даражасида соғлиқни сақлаш тизимини кучайтириш (ТСТК) ишларини давом эттирди. ТСТК томонидан ЮНИСЕФ қўмағида ушбу ислохотни умуммиллий даражада жорий қилишга мўлжалланган кадам-бакадам йўриқнома ишлаб чиқилди. Ҳукумат ЮНИСЕФнинг 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистонда туғилиш ва ўлиш ҳолатларини рўйхатга олишнинг электрон тизимини жорий этиш бўйича тавсияларини қўллаб-қувватлади. Бумасўл вазирлик ва идоралар ўртасида маълумот алмашинувини ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсия этган кўрсаткичларнинг самарали таҳлилини таъминлайди. Шу тариқа болалар ўлими сабабларини аниқ рўйхатга олиш ва кузатиб бориш, тизимлар ва кўрсатилаётган хизматлардаги бўшлиқларни аниқлаш ва олдини олиш мумкин бўлган сабаблар туфайли ўлиш ҳолатларини камайтириш учун мувофиқлаштириш чораларини кўриш мумкин бўлади.

Янги туғилган чакалоқларнинг олди олинishi мумкин бўлган ўлим ҳолатларини камайтириш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ЮНИСЕФ қўмағида перинатал аудит амалиёти қабул қилинди ва жорий этилди, неонатал ёрдамнинг тўртта стандарти ва неонатал парвариш бўйича ўқув дастурлари ҳамда тиббиёт таълим муассасаларида ўқитувчиларни тайёрлаш жараёни қайта кўриб чиқилди. ЮНИСЕФ, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигига энг номувофиқ аҳволдаги учта вилоятда жойлашган саккизта бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида универсал-прогрессив патронажпарвариш тизимини моделлаштиришда ёрдам берди. Фуқаролар уйларига ташриф буюришда бундай ёндашув ҳамшираларга кичкинтойларнинг хавfli аломатларини самарали аниқлаш, ушбу аломатлар тўғрисида ота-оналарнинг хабардорлигини ошириш ва маслаҳатлар бериш ҳамда оғир касалликларга дуч келган oilаларни юқори даражадаги соғлиқни сақлаш хизматларига йўллаш имконини берди. Ушбу ёндашув самарадорликни оширади, келажакда тиббий ёрдам сифатини яхшилади ва ўлимга олиб келадиган жиддий касалликларнинг пайдо бўлишини камайтиради.

ЮНИСЕФ Соғлиқни сақлаш вазирлигига озикланиш бўйича миллий сўровни ўтказишда ёрдам кўрсатди ва мазкур сўров Ўзбекистонда бўйи ўсмай қолишлик кўрсаткичлари камайishi бўйича

олдинга силжиш бўлганлигини намоёйиш этди. Шу билан бирга, болалар ва репродуктив ёшдаги аёлларда микроэлементлар етишмовчилиги хал қилиниши керак бўлган муаммолар сифатида белгиланган. ЮНИСЕФнинг ахборот-маърифий фаолияти туфайли Ўзбекистон Ҳукумати озикланиш бўйича тадқиқот натижаларига кўра озикланиш стратегиясини ва микронутриентлар етишмовчилигини камайтириш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишга қарор қилди.

ЮНИСЕФнинг ёрдами билан Ўзбекистон Ҳукумати томонидан Кўкрак сутиўрнини босувчи воситалар ҳамда гўдақлар ва ёш болалар озик-овқат маҳсулотларини сотиш Кодекси қабул қилинди.

ЮНИСЕФ ЮНФПА ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан биргаликда ўсмирлар саломатлиги бўйича вазият таҳлилини амалга оширди ва ҳозирда ўсмирлар саломатлиги бўйича кўп тармоқли стратегия ва ҳаракатлар режасини ишлаб чиқмоқда.

ЮНИСЕФ ОИВ/сифилиснинг онадан болага юкишини олдини олиш учун олдиндан текширув ўтказиш борасида Ўзбекистон Ҳукуматини қўллаб-қувватлади. Инсон ҳуқуқлари бўйича маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишва лаборатория масалалари бўйича халқаро экспертлар мамлакатга ташриф буюрдилар ва ОИВ /сифилис онадан болага юкишининг олдини олиш бўйича аниқ тавсиялар бердилар.

Ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги “Жануб-Жануб” ҳамкорликни ривожлантириш бўйича тадбирлар доирасида ЮНИСЕФ Шарқий Европава Марказий Осиё минтақасидаги тўртта давлат вакиллари учун ОИВ васифилис онадан болага юкишига барҳам бериш тажрибасини ўрганиш мақсадида Таиландга ўқув сафарини уюштирди. Шунингдек, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Қозоғистондаги мутахассисларни патронажпарвариши соҳасида тажриба алмашиш учун таклиф қилди.

Ҳар бир бола таълим олиши лозим

2019 йилда ЮНИСЕФ Ўзбекистонда мактабгача таълимни кенгайтириш учун ресурсларни жалб қилишда муҳим роль ўйнади. ЮНИСЕФ 2019-2023 йилларда Ўзбекистоннинг иккинчи Таълим сектори режаси (ТСР) ишлаб чиқилишини қўллаб-қувватлади. Таълим бўйича Глобал Шериклик (ТГШ) томонидан тасдиқланган ТСР таълим соҳасига 70 миллион АҚШ долларида кўпроқ ташки ёрдам олиш имкониятини яратди: ТГШнинг 10 миллион АҚШ доллари миқдоридаги гранти мультипликация самарасини берди ва Жаҳон банкининг 60 миллион АҚШ долларида ортиқ миқдордаги лойиҳаси билан тўлдирилди.

Бошқа ривожланиш агентликлари ва донорлар, масалан, Осиё Тараққиёт Банки, ЮНЕСКО ва ЮСАИД ҳам таълим соҳасини қўллаб-қувватлаш учун ТСРдан фойдаланмоқдалар.

2019 йил декабр ойида Сенат “Мақтабгача таълим тўғрисида” ги конунни маъқуллади. Қонун Мақтабгача таълим вазирлиги (МТВ) томонидан ЮНИСЕФнинг кенг техник кўмагида ишлаб чиқилган. Қонунда болаларнинг эрта ёшдан бошлаб таълим олиш (ЭЁТ) ҳуқуқлари белгиланган ва ЭЁТ бўйича давлат сиёсатининг йўналишлари кўрсатиб берилган. Ушбу ҳужжатда ҳар бир боланинг давлат мақтабгача таълим муассасаларида бир йиллик мажбурий мақтабгача таълим олиш ҳуқуқи қафолатланган. Бу муҳим ютуқ, чунки ҳозирга қадар Ўзбекистонда мақтабгача таълим ихтиёрий ва пуллик асосда амалга оширилар эди. Шунингдек, ЮНИСЕФ Ҳукуматга ЭЁТ хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришда кўмаклашди: кучли ахборот-маърифий фаолият ва МТВга кўрсатилган техник ёрдам натижасида давлат-хусусий шерикликнинг турли шакллари ва ЭЁТнинг муқобил моделлари ишлаб чиқилди: масалан, оилавий, кўп босқичли, турли ёшлилар гуруҳлари қабилар. Булар қаторида, бир йиллик бепул ва мажбурий мақтабга тайёрлов таълими ҳозирги кунда Ҳукумат томонидан бир неча минтакаларда юритилмоқда.

ЮНИСЕФ 2020 йилда яна бир қатор таълим вариантларининг самарадорлигини баҳолаш учун уларни танланган минтакаларда йўлга қўйишни режалаштирган.

ЮНИСЕФ мамлакатда ўқув дастурлари ва педагогик ёндашувлар соҳасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. 2019 йилда ЮНИСЕФ ўқувчилар компетенцияларига асосланган биринчи миллий таълим дастурини (МТД) ишлаб чиқишда Халқ таълими вазирлигига ёрдам берди. Мамлакат тарихида биринчи бор МТД таълимдан кутилаётган асосий натижаларга урғу бериш билангина чекланиб қолмай, уларни йиллик компетенциявий натижаларга тақсимлаб чиқади. Шу билан бирга, МТД дарс бериш ва билимларни баҳолашга бўлган ёндашувларни белгилайди. Бу мактабларда билим бериш ва ўқиш сифатини яхшилашга хизмат қилади. Шунингдек, ЮНИСЕФ мамлакатда дарсликларга оид қонун-қоидаларни кўриб чиқиш ташаббуси билан чиқди ва уларни МТД билан мослаштириш ҳамда уларнинг сифатини оширишга оид тавсияларни ишлаб чиқди. Мақтабгача таълим учун ўқув дастурига келсак, ЮНИСЕФ етакчи миллий ўқитувчилар ва инструкторлар гуруҳига мақтабгача ўқув дастури ва Болаларни эрта ёшда ўқитиш ва ривожлантириш стандартларидан (БЭЁЎРС) фойдаланиш учун ўқитишда ёрдам берди. Ўзнавбатида мазкур жамоа туркум тренинглар ўтказиш йўли билан ҳозиргақадар 38 400 нафар мақтабгача муассасалар ўқитувчиларини таёрлашга муваффақ бўлди. Аввалроқ эса ЮНИСЕФ кўмагида БЭЁЎРС ишлаб чиқилган ва қайта кўриб чиқилган эди.

2019 йилда ЮНИСЕФ Ҳукуматга ўқитувчилар малакасини ошириш бўйичаянги тизимларни ва ўқитувчиларнинг касбий стандартларини

ишлаб чиқишда ёрдам берди. Бу ўқитувчилардан кутилаётган натижаларга аниқлик киратади ва уларнинг малакасини таълим ислохотларига мослаштиради. Мазкур ҳужжат ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш стандартларини белгилаб беради. Шунингдек, ЮНИСЕФ Таълим сифатини таъминлаш (ТСТ) тизимини, шу жумладан унинг воситалари ва кўрсатмаларини ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлади. Ушбу тизим Ҳукуматга таълим сифатини янада яхшилаш учун унинг турли жиҳатларни ўлчашда ёрдам беради.

ЮНИСЕФ ҳукуматга таълимни бошқаришнинг ахборот тизимларини (ТБАТ) ривожлантиришда ёрдам беришни давом эттирмоқда. ЮНИСЕФ кўмагида мактабгача таълим тизими учун ишлаб чиқилган ТБАТ ҳозирда муассасалар, МТМга қабул аризалари ва қабул қилинишга оид статистик маълумотларни жинси, манзили ва МТМ турлари бўйича ажратган ҳолда мунтазам равишда кузатиб бориш ва мониторинг қилишда ёрдам бермоқда.

2019 йилда ЮНИСЕФ иккита тадқиқот мисолида давлат сиёсати органларига маълумот етказиш ва таълим сифати ҳамда ҳисобдорлигини оширишда тадқиқот ва далиллардан қандай фойдаланишни намоён этди. ЮНИСЕФ ва ХТВ томонидан 4-синф ўқувчилари ўртасида ўзлаштириш натижаларини баҳолаш бўйича биргаликда ўтказилган тадқиқот мамлакатда таълим даражаси бўйича илк бор далилларни тақдим этди. Ушбу тадқиқот турли омилларнинг Ўзбекистондаги таълим сифатига таъсирини аниқ кўрсатиб берди.

Ушбу тадқиқот илмий асосланган ислохот ва дастурларни ишлаб чиқиш учун Ҳукуматга жуда муҳим маълумотларни тақдим этди. Шунингдек, ЮНИСЕФ ота-оналар ва жамоаларнинг “Билимлари, муносабати ва амалиёти”(БМА) мавзусида қуйидаги масалалар бўйича ўз тадқиқотини яқунлади:

- (1) мактабгача таълимга бўлган талаб;
- (2) мактаб бошқарувида қатнашиш
- (3) табиий офатлар хавфини камайтириш ва хавфсиз хулқ-атвор.

Айтиб ўтилган тадқиқотлар яқин вақтларда Ҳукумат ва унинг шериклари тегишли дастурларни ишлаб чиқишлари учун ахборот ва маълумот манбаи сифатида хизмат қилади.

Ҳар бир болани зўравонлик ва эксплуатациядан ҳимоя қилиш

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Болаларни парвариш қилишнинг муқобил усуллари бўйича кўрсатмалари”га мувофиқ, ЮНИСЕФ Ўзбекистон Ҳукуматида узоқ муддатли ҳаракатлар режаси ва деинституционализация қилиш дастурини ишлаб чиқишда ёрдам берди. Ушбу дастур 2019 йил сентябрь ойида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди. Бундай фаолият Ўзбекистон Президентининг болаларни oilаларидан ажратишнинг олдини олиш ва интернат шаклидаги

муассасаларнинг ўрнини босувчи муқобил усулларни яратишга оид февраль ойидаги қарорига ҳамоҳанг равишда амалга оширилди. Бундай амалиёт болаларни муассасаларга жойлаштириш ёндашувлари ўрнига уларни оила кўринишидаги тарбиялаш шароитларига жойлаштиришни назарда тутди ва болаларни ўз оилаларидан кераксиз ажратишнинг олдини олади.

ЮНИСЕФ ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимининг асосий элементи сифатидаги ижтимоий ходим касбига оид масалани илгари суришни давом эттирмоқда. Ҳисобот даврида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ЮНИСЕФ кўмагида ишлаб чиқилган ОЎЮларида ижтимоий иш бўйича тўрт йиллик бакалаврият таълим дастури ва амалиётчилар учун ижтимоий иш бўйича тўрт ойлик қисқа муддатли ўқув дастури тасдиқланди. Ҳукумат ўз сиёсий ёндашувини ўзгартириб, уни муҳим низомий позициялар ва ваколатларга таъриф бериш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга Ижтимоий хизматлар ходимларининг Глобал альянси талаблари доирасида ихтисослашган ижтимоий хизматларни тақдим этишга йўналтирди.

Бундан ташқари, Ҳукумат жорий йили адлия тизимини ислоҳ қилиш доирасида болалар учун одил судлов масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. 2019 йилнинг апрель ойида Жиноят кодексига тузатишлар киритиш билан бир қаторда, ЮНИСЕФ Бош прокуратуранинг Тошкент шаҳридаги туманларидан бирида “Муқобил чоралар ва тикловчи адлияни бошқариш” бўйича инновацион лойиҳани амалга оширишни қўллаб-қувватлади. Лойиҳани жорий қилиш даврида ушбу туманда кўриб чиқилган ҳолатларнинг 50% да муқобил чоралар қўлланди.

Тизим даражасидаги ютуқлар Ўзбекистонда балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов тизимини кенг миқёсда ислоҳ қилишга олиб келди.

ЮНИСЕФ 2018-2019 йилларда Бош прокуратура билан ҳамкорликда олиб борган фаолияти натижасида 2019 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатдаги тўртта ихтисослаштирилган ўқув муассасаларидан иккитасини ёпиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Ушбу муассасаларга болаларни йўллашнинг энг кичик ёши 11 ёшдан 14 ёшгача кўтарилди ва қолган шундай муассасаларда психологлар учун қўшимча лавозимлар белгиланди. Бу БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг Ўзбекистонда вояга етмаган болаларга нисбатан одил судлов тизимини ислоҳ қилиш бўйича тавсияларини бажариш йўлидаги муҳим қадамдир.

Қуролли тўқнашувлар ҳудудларидан қайтариб олиб келинган болаларнинг эҳтиёжларига жавобан, 2019 йил июнь ойида ЮНИСЕФ ва Ҳукумат ўртасидаги қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Бу

хужжат қайтиб келганларни узоқмуддат давомида қўллаб-қувватлаш ва ўз оилалари ва жамоаларига қайта қўшилишларини таъминлади. Ушбу дастур доирасида, ЮНИСЕФ 35 нафар мутахассислар ва давлат хизматчиларини Сурия ва Ироқдан қайтиб келган барча болаларга нисбатан ишларни бошқариш усулини қўллашга ўргатди. Бу 108 нафар болани ўз оилалари ва жамоаларига реинтеграция қилиш даврида уларни руҳий-ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлади. ЮНИСЕФ нинг учта мамлакатлар ваколатхоналари ва иккита минтакавий бўлимлари ўртасида “Жануб-Жануб” доирасида ривожланаётган мамлакатлар ҳамкорлиги йўналишида фаол ҳамкорлик юритишнинг ёрқин мисолидир.

Хар бир бола ҳаётда тенг имкониятларга эга

2019 йилда ЮНИСЕФ Ҳукуматга ижтимоий ҳимоя тизимининг интеграциялашган институционал лойиҳасини амалга ошириш учун техникёрдам кўрсатди. Ҳукумат ва ЮНИСЕФ биргаликда Ижтимоий ҳимоя бўйича давлат органини тузиш тўғрисидаги қарор лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Мазкур қарор лойиҳаси тасдиқлаш учун Президент девонига тақдим этилди. Ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаган ҳолда, ЮНИСЕФ Ҳукуматга 2020-2021 йилларда ижтимоий ҳимояни мувофиқлаштириш бўйича ягона давлат органи мувофиқлаштириш механизмини яратишда кўмаклашиш учун ресурсларни сафарбар қилиш бўйича БМТ агентликларининг қўшма саъй-ҳаракатларига етакчилик қилди.

2018 йилда ишлаб чиқилган таҳлилий маълумотлар ва микро-моделлаштириш воситаларидан фойдаланган ҳолда, ЮНИСЕФ болалар нафақалари соҳасини ислоҳ қилишга оид ахборот-маърифий фаолиятни бошлади ва Олий Мажлис, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси каби юқори даражадаги манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик қилди. Ўзбекистон Жаҳон банкнинг инсон капитали мавзуси бўйича тажриба-синов учун танланган мамлакати эканлигини инобатга олган ҳолда, ЮНИСЕФ Ўзбекистонда универсал ижтимоий ҳимоя томон ҳаракатланиш бўйича умумий қарашларни ишлаб чиқиш учун Жаҳон банки билан юқори даражадаги сиёсий мулоқотларни бошлаб юборди.

Молия вазирлиги ва ЮНИСЕФ 2018 йилда ишлаб чиқилган концепция асосида Сирдарё вилоятида ижтимоий ҳимоя қилишнинг ягона реестри, интеграциялашган бошқарув ахборот тизимини тажриба-синов тарзида ишга туширдилар. Тизим ижтимоий нафақаларни, шу жумладан болалар учун нафақалар белгилаш, тайинлаш ва тўлаш жараёнларини охиригача рақамлаштиришни ўз ичига олади.

ЮНИСЕФ ижтимоий ҳимоя тизимини янада бардошли ва таъсирчан ҳолга келтириш борасидаги саъй-ҳаракатларини давом эттирар экан, фавқулодда вазиятларда мавжуд нақд пул ўтказмалари механизмларидан инсонпарварлик ёрдами учун нақд пул ўтказишда

фойдаланиш бўйича ҳукумат салоҳиятини ошириш бўйича иш олиб борди.

Ҳукумат ва фукаролик жамияти ташкилотларининг мутасадди ҳукумат органларини хабардор қилиш учун ёшлар ҳаётини мониторинг қилиш ёрдамида кузатиш имконияти оширилди. Бунга ЮНИСЕФ томонидан қўллаб-қувватланаётган ёшларнинг аҳволини ҳар томонлама таҳлил қилиш, маҳаллий ҳокимият органлари билан ёшлар муаммолари бўйича тўртта минтақавий маслаҳатлашиш тадбирларини ўтказиш ҳамда “U-Report” фаолиятини кенгайтириш орқали эришилди.

ЮНИСЕФ Ёшлар иттифоқи ва “Юксалиш” миллий ҳаракати билан ҳамкорликда ёшларнинг интилишлари, эҳтиёжлари ва хавф-хатарлари бўйича уларнинг ўртасида биринчи марта миллий сўровни ўтказди. Ушбу сўровдан олинган маълумотлар 2020 йилда ёшларга оид давлат сиёсати ва дастурларни ишлаб чиқиш учун қўлланилади.

Ёшларнинг қарорларни қабул қилишдаги иштирокини қўллаб-қувватлаш мақсадида ЮНИСЕФ “Юксалиш” ҳаракати билан биргаликда учта вилоят ҳокимлари билан ёшлар ўртасида 4 та минтақавий маслаҳатларни ўтказди.

Маслаҳатлашув тадбирларида жамми 123 нафар ёшлар – 66 та қизлар ва 57 та йигитлар қатнашди. Ёшлар томонидан таклиф қилинган бир қатор ечимлар, шу жумладан университетларда профессионал тайёргарлик марказларини ташкил этиш, аэропортлар ва темир йўл станцияларида китоб ўқиш бурчакларини ташкиллаштириш ва ўқишни тарғиб қилиш учун экологиконгни ошириш кампаниясини биргаликда амалга ошириш учун маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қабул қилинди. Маслаҳатлашув тадбирининг иштирокчиларидан бири тажриба орттириш ва кейинчалик экологик инқироздан зарар кўрган Орол денгизи ҳудудида дарахт экувчи роботпрототипини ишлаб чиқишни давом эттириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига таклиф қилинди.

“U-Report” муваффақиятли ишга туширилиши ва 2018 йилда тез ўсиши натижасида, 2019 йилда энг чекка ҳудудлардаги ёшларни миллий даражадаги қарор қабул қилувчилар билан мулоқотга жалб қилиш учун саккизта минтақавий кампаниялар ўтказилди. 2019 йил охирида Ю-респондентлар сони 38 000 дан ошди. Республика бўйича еттига Ёшлар кўмитаси ташкил этилганва 200 нафардан ортиқ ёшлар фаол равишда кўнгиллилар сифатида фаолият юритиб, йигит-қизларнинг иштирокини оширишга хизмат қилмоқдалар.

Ёшлар иштирокининг аҳамияти тўғрисида хабардорликни ошириш ва ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ёшларни жалб қилиш бўйича миллий шериклар салоҳиятини юксалтириш учун ЮНИСЕФ биринчи маротаба Ёшлар иттифоқи раиси ва ёшларнинг БМТнинг ЭКОСОС ёшлар форумида расмий иштирок этишларига

қўмаклашди. Бундай саъй-ҳаракатлар ёшларни жалб қилиш ёндашувларининг ўзгаришига ва эътибордан четда қолган ёшларга ўз фикрларини баён этиш ва ҳаракатланиш имкониятларини тақдим этишнинг муҳимлигини тушунишга ёрдам берди.

Бола ҳуқуқларини амалга оширишни мониторинг қилиш ва ишончли маълумотларни ишлаб чиқиш

2019 йилда ЮНИСЕФ ўнта йирик тадқиқот ва изланишларни амалга оширди. Улар бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ахборот-маърифий фаолият юритишга асос солди. (батафсил тафсилотлар ҳисоботнинг бошқа қисмларида келтирилган). Муфассал тайёрланган “Ўзбекистондаги болалар аҳволининг таҳлили”да турли манбалар, шу жумладан ЮНИСЕФ тақдим этган ахборот вамаълумотлар тўпланган бўлиб, унда болалар ҳуқуқларидан маҳрум бўлиши ҳолатлари ва сабаблари кўриб чиқилди ва болалар ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича оммавий муҳокамалар учун замин яратилди.

ЮНИСЕФнинг тавсияларига амал қилиб, 2019 йилнинг апрель ойида мамлакат ўзининг 5-чи Миллий маърузасини БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қўмитасига тақдим этиб, Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини амалга оширишга оид амалий мулоқот учун йўл очиб берди.

Гендер тенглик

ЮНИСЕФ нинг гендер тенгсизлиги масалаларини ҳал қилиш бўйича Ўзбекистондаги стратегияси гендер аспектларини ЮНИСЕФ дастурларига киритиш орқали амалга оширилади. Шу сабабли 2019 йилда ўтказилган барча тадқиқот ва изланишларда дастурларни янада самарали амалга ошириш мақсадида гендер хусусиятларидан келиб чиқадиган тафовутларга алоҳида эътибор қаратилди. Тадқиқотларда қонунчилик, ижтимоий меъёрлар ва анъаналар, патриархал ва иерархик оилавий тузилмалар, кучли гендермеъёрлари, стигма ва камситиш ўртасидаги жиддий тафовутлар болалар дуч келадиган маҳрумликлар сакланиб қолишига ва уларнинг оғирлашишига сабаб бўлиши мумкинлиги яққол намоён этилган.

Масалан, ихтисослаштирилган ўқув юртларидан қайтган болаларни оилалар ва ҳамжамиятларга реинтеграциялаш, таълим дастурининг миллий тузилмасини ишлаб чиқиш, мактабгача таълим тўғрисидаги қонунни тайёрлаш, ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича мульти-секторал стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда гендер омишларини ҳисобга олган ҳолда ОПВга қарши вакцинация жорий қилиш ўғил ва қиз болалар ҳуқуқлари тенг даражада таъминланишида муҳим роль ўйнади.

Мулоқот (Коммуникациялар)

ЮНИСЕФ мулоқотни болалар фаровонлигига дахл қиладиган соҳаларда, масалан, хизматларга бўлган талабни шакллантириш ёки

ижобий хулқ-атвор моделини қабул қилиш учун ҳамжамиятга таъсир кўрсатишда қўлга киритилаётган натижаларни яхшилаш стратегияси сифатида қўллаиди (юкорида тилга олинган).

ЮНИСЕФ мамлакатдаги ёшлар ва қарор қабул қилувчиларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш одатларини тушуниш учун янада самарали алоқа стратегияларини ишлаб чиқишга ёрдам берадиган медиа тадқиқотини яқунлади. Ижтимоий ахборот платформалари ишга туширилиб, уларда болалар мавзуларива ЮНИСЕФнинг фаолиятига оид маълумотлар эълон қилина бошланди. Буобуначилар сонининг кўпайишига ва иштирокнинг фаоллашувига олиб келди.

ЮНИСЕФ нинг ижтимоий тармоқлардаги аккаунтлари кузатувчиларининг умумийсони 9 785 кишидан ортиб кетди. ЮНИСЕФ нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси веб-саҳифаси эндиликда ўзбек, рус ва инглиз тилларида юритилмоқда.

“Дунё болаларининг аҳволи тўғрисидаги ҳисобот” (2019 йил учун) Ўзбекистондаги болаларнинг овқатланиш ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган “Овқатланиш бўйича миллий сўровнома ҳисоботи” билан бирвақтда эълон қилинди.

Бола ҳуқуқлари ўорисидаги конвенциянинг 30 йиллигини нишонлаш учун ЮНИСЕФ “Миллий болалар саммити” телевизион шосини ташкил қилди ва унда ижтимоий жиҳатдан заиф болалар ва уларнинг етакчилари Ҳукуматнинг юқори лавозимли вакиллари билан учрашдилар. Болалар ва ёшлар Ҳукумат вакилларини ўз ҳуқуқлари учун масъул тутдилар ва уларнинг иштироки туфайли машҳур телешоу муваффақиятли ўтди. Шунингдек болалар ва ёшлар ЮНИСЕФ ва БМТ офисларига ташриф буюрдилар ҳамда Nyatt Regency хусусий компаниясига бориб, раҳбарият билан учрашув ўтказдилар.

ЮНИСЕФ болаларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш ва жамоат платформаларида камдан-кам муҳокама қилинадиган масалаларни ҳал этиш бўйича кизларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган тадбирларни ўтказди.

Бошқарув

ЮНИСЕФ ўз ресурсларидан дастур мақсадларига мувофик равишда энг самаралитарзда фойдаланишни таъминлашга тобора кўпрок эътибор қаратмоқда.

ЮНИСЕФнинг фаолият бўйича масъул бўлинмаси бозор таҳлилин амалга оширди ва бевосита дастурларни амалга ошириш эҳтиёжларига йўналтириш мақсадида маблағ ажратиш учун манфаатдор томонлар билан музокаралар олиб борди ва фаолиятга оид амалий харажатларини минималлаштиришга эришди.

Ўтган йилги ҳисобот даврига нисбатан банкнинг комисион харажатларини 20%га қисқартиришга эришилди, мобил алоқа тарифларининг келишилган асосда ўзгартирилиши эса маблағларнинг

30% ни тежашга олиб келди. Дастурни “нарх ва сифатнинг энг яхши нисбати” тамойили асосида амалга ошириш мақсадида ЮНИСЕФ ушбу амалиётларни бошқариш жараёнларини қайта кўриб чиқди. Масалан, матбаа хизматлари соҳасида узок муддатли келишувлар ўрнатилди. Энг яхши ва яқуний таклиф бўйича рақобатбардош музокаралар 280,000 АҚШ долларини тежашга имкон яратди.

ЮНИСЕФ дастурлари тараққиёт учун технологиялар соҳаси мутахассислари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Мисол учун, ЮНИСЕФ томонидан таълим секторида сифатни таъминлаш тизимини яхшилаш учун электрон платформани ўз кучлари билан ишлаб чиқишга эришилди.

ЎЗЛАШТИРИЛГАН САБОҚЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР

Ўзлаштирилган сабоқлар

Мамлакатдаги жорий дастур давомида ЮНИСЕФ болалар ҳуқуқларини амалга ошириш ва рағбатлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишда Ўзбекистон Ҳукумати билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

ЮНИСЕФ кўмагида кўплаб қонунлар, стратегик ҳужжат ва дастурлар қайта кўриб чиқилган ёки ишлаб чиқилган. ЮНИСЕФнинг мамлакатдаги тажрибаси шуни кўрсатадики, агар бундай сайъ-ҳаракатлар ислохотларни амалга ошириш даврида ва ундан кейин салоҳиятни оширишга қаратилган тадбирлар билан биргаликда олиб борилмайдиган бўлса, ўзгаришларга эришиш қийин бўлиши мумкин. Такмиллаштирилган норматив-ҳуқуқий ва дастурий муҳит ислохотлар жараёнида уларни қўллаб-қувватлаш учун малакали ходимларни талаб қилади. Салоҳиятни ошириш бўйича тадбирлар бевосита ходимларни ўқитишдан тортиб, халқаро илғор тажрибалар билан танишиш ёки ислохотлар жараёнида узлуксиз равишда кўмаклашиб туриш каби кўринишларда бўлиши мумкин. Муваффақиятга эришиш учун информацион бошқарув тизимларини жорий қилиш, ўқув дастурларини ислох этиш ҳамда таълим соҳасида миллий баҳолаш тизимини жорий қилишда мувофиқлаштирилган стратегиялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигининг ёрқин мисолидир.

Муҳим ислохотларни амалга ошириш вазифаси ислохотларни илгари суриш учун комплекс таъсир кўрсатиш стратегияси ва ахборот-маърифий тадбирлар режасини ишлаб чиқишни талаб этади, чунки бу масаладаги қийинчиликлар ва тўсиқлар нафақат қулай шароитлар йўқлиги ва давлат хизматчиларининг салоҳияти пастлиги, балки жамиятда ўрнашиб қолган ижтимоий меъёрлардан иборатдир. Масалан, Президентнинг ёшлар сиёсатида оид ёндашувни қайта кўриб чиқиш юзасидан қилган даъвати ва ЮНИСЕФнинг ёшларни жалб қилиш борасидаги давомий тарғиботлари ва ташаббусларига қарамай, сиёсатни

шакллантириш ва амалга ошириш жараёни хали ҳамон марказлаштирилган ва юқоридан пастда йўналтирилган тусда қолмоқда.

ЮНИСЕФ болалар ҳимоясини таъминлаш масалаларини Ҳукуматнинг миллий даражадаги стратегиясига киритишга эришди. Айни вақтда, тизимли ёндашув муҳим бўлса-да, хизматларни оила даражасида шакллантириш ватақдим этиш бир-бирини ўзаро мустаҳкамлайдиган ҳаракатлар эканлигини ёдда тутиш лозим. 2019 йил давомида ЮНИСЕФ ва туман ҳокимликлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар нафақат маҳаллий даражада хизматларни кучайтириш кераклигини тасдиқлади, балки айни вақтда хизматларга бўлган талаб ҳамда оилалар ва болаларнинг хабардорлигини оширишни бир вақтнинг ўзида олиб бориш лозимлигини кўрсатди. Бунинг учун болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги хабардорликни ошириш, шунингдек, болаларни оилавий уҳтдан ажратишнинг олдини оладиган ижтимоий меъёрларга ўзгартиришлар киритишга жамоалар ва фуқаролик жамиятини жалб қилиш талаб этилади.

ЮНИСЕФ томонидан қўллаб-қувватланадиган дастурлардан бири бўлиши ижтимоий ҳимоя соҳасида самарали мувофиқлаштириш механизмини яратиш дастури, сиёсий келишмовчиликлар ҳамда долзарблик ва муддатлар, шунингдек, унинг тузилиши ва асосий функцияларига оид қарашлардаги фарқларни юзага келтирди. Ушбу дастур доирасида ўзлаштирилган асосий сабоқ айтиб ўтилган мавзуларни муҳокама қилиш ва маслаҳатлашувларга кенг оирадаги миллий ҳамкорлар ва ривожланиш борасидаги шерикларни жалб қилиш заруратини англаб етишдан иборат бўлди.

Сиёсий ва дастурий ислохотларни амалга ошириш учун далилларни тўплаш ватақикотлар натижаларидан фойдаланиш жуда муҳим роль ўйнади. Ҳисобот даврида ЮНИСЕФ “Ўзлаштиришни баҳолаш миллий тадқиқоти” ва “Овқатланиш бўйича миллий сўровнома” каби қўллаб тадқиқотларни яқунлади. Биринчи тадқиқот натижалари ЮНИСЕФ томонидан қўтилган эди ва шунинг учунунинг дастурига умуман таъсир кўрсатмади. Аммо тадқиқот хулосалари ушбу Дастур ва ЮНИСЕФ билан ҳамкорлик қилишга бўлган ишончни кучайтириш учун Ҳукумат масъулиятини оширишга жиддий таъсир ўтказди. Соғлиқни сақлаш соҳасига келсак, миллий тадқиқот натижалари кенг тарқатилгандан сўнг, мамлакатда овқатланиш масаласига оид дастурларга бўлган қизиқиш кучайди ва давлат дастурлари орасида уларнинг мавқеи сезиларли ошди.

Ўзбекистондаги каби жадал суръатлар билан олиб борилаётган ислохотлар шароитида шерикларнинг ортиб бораётган талабларига тез фурсатларда жавоб бериш ва айни чоғда натижаларга эътибор қаратиш осон эмас, албатта. Бундай ислохотларнинг дастлабки босқичларида мослашувчанлик ва тезкорлик муҳим роль ўйнайди, аммо ишонч

шақилантирилгач, стратегик аралашув соҳаларига нисбатан танланган қарорлар қабул қилиш вақти келади.

Ушбу ўзгариш ривожланиш контекстини, сиёсий ва иқтисодий вазиятни яхши тушуниш ҳамда бу билан боғлиқ хавф-хатарларни баҳолашни талаб қилади.

Инновациялар

Ягона реестрнинг жорий этилиши ижтимоий ҳимоя тизими интеграциясидаги инновациялар ҳамда ушбу тизим дастурлари янада самарали амалга оширилишининг мисоли бўла олади. Ягона реестр Давлат Солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги кабиidorаларнинг маълумотлар базалари билан бирлашганлиги келиб тушаётган мурожаатларга тезда ишлов беришга имкон яратди. Бу Ҳукуматга аҳоли билан манзилли фаолият олиб боришда амалдаги, қоғоз ҳужжатларга асосланган ва субъектив амалиётни янада шаффоф ҳамда тасдиқланадиган мезонларга таянган синовнинг самарали воситалари билан алмаштиришга имкон берди. Охир-оқибат, барча ижтимоий ҳимоя дастурларининг Ягона реестрга киритилиши унинг ижтимоий ходимлар ва тегишли вазирликлар учун ишларни самарали бошқариш воситасига айланишига имкон беради.

Дастурий ривожланиш учун эътиборли ва ишончли маълумотлар муҳим аҳамиятга эга, лекин улардан фойдаланишнинг имкони доим ҳам мавжуд бўлавермайди. Маълумотларнинг етишмаслиги дастурлардаги мақсадларга муваффақиятли эришишда маълум қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Маълумотлар чекланган шароитда зўравонлик ва гендер масалалари бўйича кампанияларни тайёрлаш ва амалга оширишда қўмаклашиш учун ЮНИСЕФ ёшлар фикрлари асосидаги кампанияларни ишлаб чиқди.

Ю-респондентлар ўз фиклари билан ўртоқлашишга қорланди ва уларнинг тасаввурлари асосида тегишли тадбирлар ўтказилди.

Ҳисобот даврида ЮНИСЕФ муқобил ва инновацион мактабгача таълим дастурларининг концептуал асосларини ишлаб чиқди. Бугунги кунда МТВ томонидан бир йиллик мактабгача таълим дастурлари бошқариб борилмоқда.

Давлат ва хусусий шериклик моделларидан фойдаланган мактабгача таълим муассасалари ҳам ЮНИСЕФнинг техник маълумотлари асосида ишлаб чиқилган. Мамлакатда биринчи марта ташқи баҳолаш билан бир қаторда, таълим муассасаларининг ўзини ўзи баҳолаш концепцияси ва воситалари жорий этилди. Ўзбекистонда таълимни баҳолашнинг миллий тизими доимо анъанавий ностандарт тест усулларига асосланиб келган. Лекин ЮНИСЕФ қўмаги билан энг яхши халқаро амалиётга мос келадиган янги восита ва усуллар жорий этилди. Бу эса кўп ўлчовли моделлар асосида таҳлил қилиш имкониятини яратди.

2017 йил учун истеъмол савати: таркиби

Номи	Ўлчов бирлиги	Истеъмол хажми (йилига ўртача бир киши учун)		
		Меҳнатга лаёқатли аҳоли	Нафақа- хўрлар	болалар
Нон маҳсулотлари (нон ва макарон маҳсулотларини ун, дон, нўхат, мош, гречка, ловия, ва х.к.)	кг	126,5	98,2	76,6
Картошка	кг	100,4	80,0	88,1
Сабзавот ва полиз экинлари	кг	114,6	98,0	112,5
Мевалар	кг	60,0	45,0	118,1
Шакар ва кондитер маҳсулотлари шакар ҳисобидан	кг	23,8	21,2	21,8
Қўшма маҳсулотлари	кг	58,6	54,0	44,0
Балиқ маҳсулотлари	кг	18,5	16,0	18,6
Сут ва сут маҳсулотлари сут ҳисобидан	кг	290,0	257,8	360,7
Тухум	дона	210,0	200,0	201,0
Ўсимлик ёғи, маргарин ва бошқа ёғ-мой маҳсулотлари	кг	11,0	10,0	5,0
Бошқа хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари (туз, чой, зираворлар)	кг	4,9	4,2	3,6

2.Нооziк- овқат маҳсулотлари

Номи	Ўлчов бирлиги	Истеъмол хажми (йилига ўртача бир киши учун)		
		Меҳнатга лаёқатли аҳоли	Нафақа- хўрлар	болала р
Устки қалин кийим гуруҳидаги (Верхняя пальтовая группа)	Дона/ Бир йил	3/7,6	3/8,7	3/2,6
Устки костюм- кийим гуруҳи (Верхняя костюмно	Дона/ Бир йил	8/4,2	8/5,0	11/2,0

платёвая группа)				
Ич кийим	Дона/ Бир йил	9/2,4	10/2,9	11/1,8
Пайпок ва шунга ўхшаш буюмлар (Чулчноносочные изделия)	Дона/ Бир йил	7/1,4	4/1,9	6/1,3
Бош кийим ҳамда галантерия товарлари ва буюмлари	Дона/ Бир йил	5/5,0	4/5,6	4/2,8
Оёқ кийим	Дона/ Бир йил	6/3,2	6/3,5	7/1,8
Мактаб-ўқув куроллари	Дона/ Бир йил	3/1,0	3/1,0	27/1,0
Чойшабли буюмлар	Дона/ Бир йил	14/7,0	14/7,0	14/7,0
Маданий-майиший ва хўжалик учун мўлжалланган товарлар	Дона/ Бир йил	19/10,5	19/10,5	19/10,5
Биринчи навбатда зарур бўладиган санитария ва дори-дармон буюмларари	Бир ойда ноозик- овқатларига кета- диган харажатлархажми дан фонз хисобида	10	15	12

3.Хизматлар

Номи	Ўлчов бирлиги	Истеъмол хажми (йилига ўртача бир киши учун)		
		Меҳнатга лаёқатли аҳоли	Нафақа- хўрлар	болалар
Уй-жой	Умумий майдони м ²	18	18	18
Марказий иситиш тизими	Бир йилда Гкал	6,7	6,7	6,7
Совуқ ва иссиқ сув таъминоти ҳамда оқава сув	Суткаси литр	285	285	285
Газтаъминоти	Бир ойида куб. м	10	10	10

Электроэнергия	Бир ойда кВт.с	50	50	50
Транспорт хизматлари	Бир йиллик катнов	619	150	396
Маданий хизматлар	Бир ойда кўрсатила-диган хизматлар-нинг умумий харажатлар фоиз хисобидаги хажми	5	5	5
Бошқа турдаги хизматлар	Бир ойда кўрсатиладиган хизматларнинг умумий харажатлар фоиз хисобидаги хажми	15	15	15

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
1.	Камбағаллик тушунчаси таърифи ва уни тадқиқ қилишнинг назарий масалалари	4
2.	Мамлакатимизда нима учун камбағаллар кўпайди?	7
3.	Камбағаллик даражасининг ўлчаниши	9
4.	Камбағалликни қисқартириш бўйича қандай чоралар кўрилмоқда?	12
5.	Томорқадан самарали фойдаланиш камбағалликни қисқартириб, аҳоли фаровонлигини оширади	15
6.	Камбағалликка барҳам бериш учун номалар қилиш лозим?	22
	Иловалар	
1.	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ 2020 йил 26 мартда имзоланган “ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ТУБДАН ЯНГИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА” ТИПФ-5975-сонли ФАРМОНИ	28
2.	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ 2020 йил 26 мартда имзоланган “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА УНИНГ ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА” ПҚ-4653-сонли ҚАРОРИ	42
3	МАМЛАКАТДАГИ ВАЗИЯТ ВА БОЛАЛАР АҲВОЛИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ	48
4	2017 йил учун истеъмол савати: таркиби (намуна учун)	64

Илмий-услубий нашр

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Олим Мамаюнусович Пардаев

**Камбағалликни баҳолаш ва уни
камайтириш йўллари**
Илмий-услубий тавсия

Такризчилар:

М.М.Муҳаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.,

О.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори, и.ф.д., профессор

У.Х.Худайбердиев – СамИСИ доценти, и.ф.н.

27.03.2020 йилда босишга рухсат этилди. Офсет босма қоғози.
Қоғоз бичими 60x84^{1/16}. “Times” гарнитураси. Офсет босма усули.
Шартли босма табағи 4,5. Ҳисоб-нашриёт табағи 4,0 б.т.
Адади 100 нусха. Буюртма № 20/20

“Наврўз полиграфия” МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.

Лицензия № 18-3327 30.08.2019 йил

Манзил: Самарқанд шаҳри, Л.М.Исаев кўчаси, 38-уй.

10 000

68